ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси • 28 май 1996 йил, сешанба • № 42 (289)

ПРЕЗИДЕНТ КАВКАЗОРТИ САФАРИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 27 май куни Кавказорти сафарига жўнаб кетди. Президентимиз ўз сафари мобайнида Озарбойжон ва Грузия Республикаларига расмий ташриф буюради.

— Сафардан мақсад ушбу мамлакатлар билан ўрнатилган алоқаларни янада мустаҳкамлашдир, — деди Ислом Каримов Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюсида. — Озарбойжон ва Грузияга сафаримиз мамлакатларимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг янги истиқболларини белгилаб беради. Энг муҳими, Ўзбекистоннинг дунё бозорига чиқиши учун янги йўллар очилади. Масалан, Грузиянинг Поти бандаргоҳи Ғарб ва Яқин Шарқ давлатлари билан савдо-сотиқ олиб боришда Ўзбекистон учун катта стратегик аҳамиятга эга. Айни пайтда Ўзбекистон билан Грузия ўртасида ҳамкорлик борасидаги бир неча ҳужжатлар имзоланган. Лекин сафаримиз давомида мамлакатимиз билан Озарбойжон ўртасида бундай ҳужжатлар илк бор имзоланади. Ўзбекистон дунё бозорига тўғридан-тўғри чиқар экан, унга ишончли ҳамкорлар керак. Озарбойжон билан Грузия ана шундай ҳамкорлардан бўлиши мумкин.

Президент Ислом Каримовни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Журабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, С. Сафоев, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тулаганов, бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

(ЎзА).

БОННДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҲАҚИДАГИ КИТОБ ТАҚДИМНОМАСИ

Эскиликни ўзлаштириб олган ва янгиликни англашга қобил киши устозлик, йўлбошчиликка муносибдир, деган эди Конфуций.

Эскилик — шўро тузуми кирдикорларидан зада бўлган ва янгилик — ислоҳотлар йўлини тутган навқирон давлатлар раҳбарлари орасида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовни халқимиз муносиб йўлбошчи деб билаётгани, жаҳон жамоатчилиги буюк ислоҳотчи сифатида тан олгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистоннинг ўзига хос йўлини ишлаб чиққан ҳамда бу ислоҳот дастурини муваффақиятли равишда амалда татбиқ этишга бошқош бўлаётган Президентимиз нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон миқёсидаги ибратли, оқилона сиёсий фаолияти туфайли қисқа фурсат ичида назарга тушди, бир қанча хорижий давлатлар ва нуфузли ташкилотларнинг юксак мукофотларига сазовор бўлди, бир неча йирик халқаро академияларга фахрий аъзоликка сайланди. Яқинда германиялик таниқли ҳуқуқшунос олим Леонид Левитин ҳамда БМТ консультанти, Гарвард университети профессори Дональд Карлайл республикамиз Президенти фаолияти ва Ўзбекистонда кечаётган ислоҳотлар тадқиқига бағишланган китоб яратдилар. Китоб Австрияда инглиз, немис ва рус тилида чоп этилди.

23 май куни Германия Федератив Республикасининг Бонн шаҳрида Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси ва «Германия-Ўзбекистон» жамияти ташаббуси билан ана шу китобнинг тақдимоти бўлди.

Тақдимот маросимида ҒФР парламенти аъзолари, вазирликлари, ишбилармон ва жамоатчилик доиралари вакиллари, шунингдек, дипломатия корпуси аъзолари, журналистлар қатнашди.

Маълумки, Германия жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида ўз салмоқли ўрнига, нуфузига эга мутараққий давлатдир. Айни дамда ҒФР дунёнинг деярли барча тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатлари, обрули халқаро ташкилотлари билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйган.

Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги изчил, серқирра ҳамкорликнинг тобора ривожланиб бораётгани сабабларини, аввало, ўзаро иқтисодий манфаатдорлик, қолаверса, ҳар икки мамлакатнинг халқаро ҳаётдаги долзарб масалалар юзасидан қарашларининг яқинлиги билан изоҳлаш мумкин. Бундан ташқари, ҒФР раҳбарияти Ўзбекистондаги ижтимоий-



сиёсий барқарорликни, республикада амалга оширилаётган сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллигини юксак баҳоламоқда.

Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг ҒФРга ва Германия Федерал Президенти Р. Герцогнинг Ўзбекистонга ўтган йилги ташрифлари мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликнинг кенгайишига, ўзаро ишонч ва дўстона муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига муҳим омил бўлди.

1993-1995 йиллар мобайнида Германиянинг «Даймлер-Бенц», «Сименс», «Алкатель», «Йена-Оптик», «Просаг», «Крупп», «Тиссен» каби қўплаб концернлари Ўзбекистон бозорига кириб келди ҳамда икки мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли кооперацияни бошлаб берди.

Ҳозирги пайтда Тошкентда ва республикамизнинг бошқа шаҳарларида Германиянинг 28 та компанияси ваколатхоналари очилган, бешта йирик қўшма корхона ҳамда аралаш сармояли 50 та кичик ва ўрта корхона мавжуд. Умуман, Ўзбекистон бозорида 600 дан зиёд Германия фирма ва компаниялари фаолият кўрсатаяпти.

Икки мамлакат ўртасида маданий-маърифий соҳада ҳам алоқалар яхши йўлга қўйилган. Штутгарт шаҳрида ўтказилган «Буюк ипак йўли» халқаро кўргазмаси бунга ёрқин мисол бўла олади. Германияда таҳсил олаётган Ўзбекистонлик талабалар ва малака ошираётган илмий ходимларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Айтиш керакки, бу жабҳадаги муваффақиятларда мамлакатларимиз ташкилотлари айниқса, 1994 йилнинг апрель ойидан фаолият кўрсата бошлаган «Германия — Ўзбекистон» жамиятининг ҳиссаси беқиёсдир.

Германия техникавий ҳамкорлик жамияти эса Ўзбекистонда ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш жабҳасида хизмат қилаётир. Тошкентда ўз ваколатхонасига эга бўлган Конрад Аденауэр фонди ҳам ўзаро ҳамкорлик борасида катта ишларни амалга оширмоқда.

Шу маънода Бонндаги ғўзал ва муҳташам бинолардан бири Германиянинг биринчи канцлери Конрад Аденауэр номидаги саройда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов фаолиятига бағишланган китоб тақдимотининг утказилиши ҳам мамлакатларимиз ўзаро ҳамкорликка интилаётганидан яна бир далолатдир.

Тақдимот маросимини Германиянинг таниқли сиёсат арбоби, Бундестаг депутати, «Германия — Ўзбекистон» жамияти раиси Вольф Бауэр очди.

Расмий маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Содиқ Сафоев сўзга чиқди.

— Мазкур китобнинг биринчи бўлиб немис тилида чоп этилиши тасодифий ҳол эмас, — деди С. Сафоев. — Бу китоб Германия билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳурмат, дўстона муносабат ва истиқболли ҳамкорлик муҳитининг ўзига хос ажиб маҳсули деб ўйлайман. Мазкур асар йирик сиёсий арбоб шахсига, Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришлар жараёнига холисона, янгича қарашлар асосида ёндашилган муҳим тадқиқотдир.

Ислом Каримов Ўзбекистонда ижтимоий ва иқтисодий танглик авж нуқтасига чиққан бир даврда давлат раҳбари бўлди. Ўша кезларда иқтисодиётни маъмурий-буйруқбозлик йўли билан бошқаришнинг, шунингдек, коммунистик мафкура ва давлатчилик амалиётининг оғир асоратлари, кескин экологик вазият, девор-дармиён мамлакатлардаги нотинчлик аҳволни янада қийинлаштирган эди.

Ана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистон Президенти танлаган энг тўғри йўл китобда атрофлича тадқиқ этилган.

Китоб муаллифларининг тадқиқотлари яна шуниси билан қадрлики, унда Президент Ислом Каримов шахси мунтазам ҳаракатда, дунёқарашидаги ўсиш ва юксалиш билан уйғунликда таҳлил этилган. Ислом Каримовнинг ақидапарастлиқдан ҳоли, алмисоқдан қолган хулосалардан йироқ сиёсатчи сифатида ўз замонасининг сиёсий арбобларидан ажралиб туриши унинг кучли жиҳатларидан бири экани китобда асосли кўрсатиб берилган.

Китобда таҳлил қилинган жараёнлар нафақат миллий, балки умумбашарий аҳамиятга молиқдир. Дарҳақиқат, бугунги кунда айрим мамлакатлардагина эмас, бутун дунё миқёсида янгиланиш жараёни бормоқда.

Жамиятдаги соғлом кўчларни жипслаштира олган, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий барқарорликни таъминлай билган ҳар қайси мамлакатнинг тажрибаси алоҳида диққатга сазовордир, деди пировардида С. Сафоев.

Маросимда таниқли сиёсат арбоби, ЕХҲТ парламенти ассамблеясининг Вице-Президенти, Бундестаг депутати Вилли Виммлер, Германия ташқи ишлар вазирлигининг Марказий Осиё ва Кавказорти мамлакатлари бўйича бўлим раҳбари Энно Баркер, ҳуқуқшунос олим, китоб муаллифи Леонид Левитин, Ўзбекистон Республикасининг Германиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Алишер Шайхов ва бошқалар сўзга чиқди. Улар Ўзбекистон ва Германия ҳамкорлиги истиқболлари, Ўзбекистонда кечаётган ислоҳотлар жараёни, республикамиз тараққиётининг янгича стратегик йўналишлари ҳамда Президент Ислом Каримов ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг мазмун-моҳияти билан жаҳон жамоатчилигини кенгроқ таништиришда «Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти» китобининг аҳамияти хусусида фикр юритдилар.

Тақдимотнинг ниҳоясида «Ўзбекистон ёш истеъдодлари» камер оркестри ижросида концерт намойиш этилди. Ўзбекистонлик таниқли рассомлар асарларининг кўргазмаси ҳам меҳмонларда яхши таассурот қолдирди.

«Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти» китобининг Бонндаги тақдимот маросими республикамиз Германия ва умуман, жаҳон ҳамжамияти билан янгича муносабатлар, илғор ҳамкорлик йўлини танлагани ҳамда бу йўлдан дадил одимлаётганини яна бир карра намоён этди.

Ғулом МИРЗО,
Бонн шаҳри
(ЎзА).

Ўзбекистон-Туржистон:

ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАБ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий сафар билан Озарбайжонда бўлди. Бугун эса Тбилисида Ўзбекистон билан Гуржистон раҳбарининг олий даражада учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон раҳбарининг Кавказортига ташрифи Озарбайжон ва Гуржистон Президентлари Гейдар Алиев ва Эдуард Шеварднадзе таклифи билан амалга оширилмоқда.

Олдин хабар берганимиздек, Ўзбекистон - Озарбойжон алоқалари жуда қадимий. Ҳар иккала республика мустақилликка эришгач, улар ўртасидаги ҳамкорлик янги қирралар оча бошлади.

Гуржистон билан Ўзбекистон муносабатлари ҳам ўтмишга бориб тақалади. Шуниси муҳимки, 1991 йили Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилгач, Гуржистон Ўзбекистон мустақиллигини тан олган биринчи давлатлардан бўлди. Кавказорти минтақасининг юрагида жойлашган бу давлат Марказий Осиё, айниқса Ўзбекистонга қадимдан катта қизиқиш билан қараб келади. Шу боис 1994 йилнинг сентябрида Гуржистон Тошкент шаҳрида ўз савдо-иқтисодий ваколатхонасини очди.

Гуржистон Президенти Эдуард Шеварднадзе (ўша пайтда Гуржистон парламенти раиси)нинг Ўзбекистонга ташрифи икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтарди. Ана шу сафар чоғида мамлакатларимиз ўртасида 19 та битим ва шартнома имзоланди. Уларнинг 11 таси иқтисодий, 2 таси сиёсий ва 6 таси ижтимоий алоқаларга доир эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан учрашувлар якунига доир қўшма баёнот қабул қилинди.

Ушбу йилнинг бошида эса Ўзбекистонга Гуржистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Г.Бурдули бошчилигидаги делегация келди.

Учрашув чоғида бир қатор масалалар, шу жумладан, Ўзбекистон - Гуржистон муносабатлари ва транспорт коммуникациялар истиқболларига доир масалалар муҳокама қилинди. Гуржи-абхаз можароси масаласини муҳокама қилиш пайтида Ўзбекистон республикаси тутган позиция Гуржистонда юксак баҳоланди. Москвада МДҲ давлат бошлиқларининг шу масала юзасидан республикамиз раҳбари Ислом Каримовнинг кириттан таклифлари ҳам жуда қадрлидир. Бу борада Гуржистон ташқи ишлар вазири И.Менагаршвили фикри ибратлидир:«Гуржистон халқи Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг қадрдошларча ёрдами ва олижаноб маданини ўз қалбида мангу сақлайди».

Икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар ҳам кенг қулоч ёймоқда. Ўзбекистон Гуржистондан озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил саноат моллари олмоқда. Ўз навбатида шеригига ип-газлама, ипак ва қорақўл, рангли металлар, нефть маҳсулотлари етказиб бермоқда. 1996 йилнинг биринчи квартали якунларига кўра Гуржистонга экспорт 91,5 минг доллар, импорт эса 127,8 минг долларни ташкил этди. Ҳозир Фарғона вилоятининг Қува шаҳрида Ўзбек-гуржи қўшма корхонаси ишлаб турибди. Ёг ва пишлоқ тайёрлайдиган бу қўшма корхона маҳсулотлари маҳаллий аҳоли орасида катта эътибор қозонди.

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Гуржистонга сафари икки ўлка орасидаги муносабатларни янада ривожлантиради. Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг кенгайишига хизмат қилади.

А.ТЎЙЧИБОЕВА.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

ИДҲ МАМЛАКАТЛАРИДА

Россия жаҳондаги икки йирик минтақавий иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кириш интилмоқда. Москва иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо қилиб олишни сўраб расмий илтимослар билан мурожаат этди. Амалда бир вақтнинг ўзида Россия Осиё-Тинч океан иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ишчи гуруҳларига кириш учун ҳам аризалар берди.

Маълумки, 1960 йили ташкил этилган Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига жаҳоннинг энг ривожланган 27 давлати аъзодир. Мамлакатлар бу ташкилот доирасида ўз иқтисодий ва савдо сиёсатларини мувофиқлаштирадилар. 1989 йили вужудга келган Осиё-Тинч океан Иқтисодий ҳамкорлик (ОТИҲ) ташкилотига минтақадаги 19 давлат, шу жумладан АҚШ, Япония, Хитой каби буюк мамлакатлар аъзодир. Бу - дунёдаги энг қудратли ташкилот эканлигини унинг ҳиссасига жаҳон ҳамжамиятида ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг ярми, савдо оборотининг 40 фоизи тўғри келишидан ҳам билса бўлади.

Россиянинг икки иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кириш истаги унинг Европа давлати статуси билан изоҳланади. Москва Европа иқтисодий тизимлари таркибига интеграция қилинишидан манфаатдорлигини кўп марталаб изҳор этган. Иккинчи томондан эса, Осиё-Тинч океан минтақаси иқтисодий ва сиёсий маконига кириш Россиянинг катта орзуларидан биридир.

***

Якшанба куни Грузия пойтахти Тбилисида мамлакат давлат мустақиллигига бағишланган ҳарбий парад бўлиб ўтди. Пойтахтнинг бош майдонидан қўшинларнинг барча турлари - танк, ракета ва артиллерия қўшинлари ҳамда авиация тузилмалари ўз ҳарбий қудратларини намойиш этишди. Рейтер агентлиги ҳабарига кўра, мамлакат Президенти Э.Шеварднадзе Грузия Ҳарбий кучлари мамлакат бутун ҳудудини назорат қилиб туришга қодирлигини таъкидлади. Шу куни Республиканинг бошқа шаҳарларида ҳам байрам тадбирлари бўлиб ўтди.

Грузиянинг агдариб ташланган собиқ Президенти Гамсахурдиа тарафдорларидан 2 минта яқин киши пойтахтда ўз намойишларини утказишган. Ғарб ахборот агентликлари ҳабарига кўра, иш милиция билан тўқнашувгача бориб етган- милиция намойишчиларнинг марказга ўтиш йўлларини тўсиб қўйган.

***

Россия Президенти Б.Ельцин ташаббуси билан шу йил июнь ойида Кисловодск шаҳрида Кавказ халқлари қурултойи бўлиб ўтади. Қурултой Кавказда миллатлараро тинчликни мустаҳкамлаш ва Россия билан Кавказорти давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига бағишланади. Унинг ишида Кавказорти давлатлари ва Шимолий Кавказнинг Россияга кирувчи республикалари вакиллари қатнашиши кутилмоқда.

ХОРИЖДА

Исроил Бош вазири Ш.Перес ҳам, унинг рақиби «Ликуд» унг блокининг раҳбари ҳам 29 май куни бўлиб утадиган умумхалқ сайловларида ғолиб чиқишларига қатъий ишонишмоқда. Ҳар икки рақиб ўртасида бўлиб ўтган 30 дақиқалик мунозара якшанба куни телевидение орқали намойиш этилди. Пайдо бўлган хабарга кўра, Ш.Перес ўз ўтмишдоши Ицхак Рабин бошлаган тинч жараёнларни давом эттирилишини маълум қилган. «Ликуд» раҳбари эса, Пересни айблаб, унинг даврида мамлакат ҳавфсизлиги энг паст даражага тушиб қолди, деган. Жамоатчилик фикри суровлари натижасига қараганда, ҳар икки номзод ўртасидаги фарқ ислом экстремистлари уюштирган бир неча портлашлардан кейин салмоқли равишда қисқарган.

***

Босния серблари республикасининг вице президенти Колвич, Босния серблари раҳбари Р.Каражич бундан буён республика раҳбарияти номидан чиқиб гапирмайди, дея баёнот берган. Лекин у бундан Р.Каражич президентлик лавозимидан воз кечади, деган маъно келиб чиқадими-йўқми, айтмаган. Ғарб ҳарбий жиноятлар қилганликда айблаётган Гаага халқаро трибунали олдида Р.Каражичнинг жавоб беришини талаб қилмоқда. Ғарб расмий доиралари Белградни огоҳлантириб, агар Белград раҳбарлари Р.Каражични Босния серблари раҳбари лавозимидан воз кечишга кўндира олмасалар, Югославия Федерациясига нисбатан яна санкциялар жорий этилишини хабар қилишган.

***

Қоҳирада якшанба куни Миср Президенти Х.Муборак билан Ливия раҳбари М.Қаддофи ўртасида музокаралар давом этди. Миср ташқи ишлар вазири Мусонинг маълум қилишича, шу кунги музокаралар марказида АҚШ билан Ливия ўртасидаги нифоқлар, Миср-Ливия алоқаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, умумараб сиёсий қарашларини ишлаб чиқиш масалалари турган. Вашингтон, Триполидан 65 чақирим нарида кимёвий қурол ишлаб чиқарувчи завод қурилаётгани таҳмин қилинаётгани муносабати билан Ливияга нисбатан ҳарбий чоралар кўриш билан таҳдид қилмоқда. Ливия эса, завод ирригация мажмуининг таркибига кирувчи корхона деб таъкидламоқда. М.Қаддофи Миср Президенти Х.Муборак билан учрашув чоғида маълум қилишича, АҚШ қурол ишлаб чиқарилади деб даъво қилаётган заводдан олинган суратлар қалбакидир.

***

Якшанба куни Албанияда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Унда Президент Сали Беришанинг демократик партияси ва собиқ коммунистларни бирлаштирган социалистик партия асосий рақибларидир. Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 2 миллиондан ортиқ сайловчилар 140 депутатни сайлашлари керак. Марказий сайлов комиссиясининг хабарларига кўра, мамлакат фуқаролари фаоллиги анча юқори- Тирана кўчаларида сайлов участкалари олдида навбат кутувчилар қатори олис-олисга чўзилиб кетган.

Жаҳон матбуот агентликлари материаллари асосида.

Андижон вилоятининг Ҳонобод шаҳрида яқинда ташкил этилган «Равель» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси ўзининг илк маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлади.

Қўшма корхонада, асосан, тери опланади ва буялади, тайёр чарм маҳсулот тайёрланади. У бир йилда 500 минг долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Келажакда қўшма корхонада ўзларида ишлаб чиқарилган, тўлиқ ишлов берилган терилардан эркаклар ва аёллар курткалари ҳамда пальтолари тикишни йўлга қўйиш мўлжалланган. Бу ерда асосий эътибор ишлаб чиқариш тармоғини янада кенгайтиришга қаратилянти.

Ҳозирданоқ олинадиган даромадни янги иш ўринларини ташкил этиш ва технологик жиҳозлар сотиб олишга сарфлаш кўзда тутилмоқда.

Суратларда: Қўшма корхона раҳбари Рустам Назиров, қўшма корхона президенти, туркиялик ишбилармон Ҳамза Кешхуш ва ишчи Анвар Йўлдошевлар маҳсулот сифатини кўздан кечиряптилар.

Иқтисодиёт янгиликлари

АҲОЛИ ХУРСАНД

Олтиариқ туманининг Повулгон қишлоғидаги ҳаммом қаровсиз ҳолга келган эди. Уни тадбиркор Абдураҳмон Ашматов хусусийлаштириб олгач қайта таъмирлади. Газ келтирди.

Якинда ҳаммом тантанали равишда фойдаланишга топширилди. Қишлоқ аҳли бундан беҳад хурсанд.

С. МАҲМУДОВА, «ИШОНЧ» мухбири.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ИШБИЛАРМОНЛИКДИР

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси бозор муносабатлари шароитида авж олмоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссадорлик компанияси Фарғона бўлими жамоаси ҳам бу борада бир қатор диққатга сазовор ишларни амалга оширди. Натижада йўловчи ва уларнинг юкларини ташиш, вагон ҳамда бошқа воситалардан фойдаланишдан тушган даромад ўтган йилнинг шу даврига қараганда анча юқори бўлди.

Бўлимда юк ва йўловчи ташиш билан бир қаторда аҳолига турли хил пуллик хизмат кўрсатиш, истеъмол молларини сотиш, саноат корхоналарига кирувчи темир йўл транспорти воситаларини таъмирлаш ҳам йўлга қўйилдики, бундан корхона 30 миллион сўмлик даромад кўрди. Тожикистон ва Қирғизистонга йўналтирилган тепловозларни таъмирлаш эвазига 80 минг қийматидаги АҚШ долларига эга бўлинди. Бўлим даромаднинг 62,5 фоизи шу каби хизматларни бажариш эвазига қўлга киритилди. Маълумки, ҳиссадорлик жамиятининг асосий харажатларини ёқилғи ташкил этади. Буни қарангки, харажатлар ҳажмини камайтириб ҳам даромад қилса булар экан. Ушбу корхона жамоаси режадагидан 566 тонна ёки 1994 йилдагига нисбатан 11 минг 900 тонна кам ёқилғи ишлатишди. Бунинг эвазига бир неча миллион сўмлик маблағ тежаб қолинди.

Рақобатга тўла бўлган шароитда хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш замон талабидаги вазифадир. Хусусан, вагонларнинг соз ва пухта таъмирланиши муҳим аҳамиятга эга. Шуни эътиборга олиб, 1-Андижон станциясида вагон таъмирловчи махсус цех қурилди. Шунингдек, депо атрофида бир кеча-кундузда 20 тонна чойшабни ювиш қувватига эга бўлган кир ювиш, вагонларни буяш, буғ ишлаб чиқарувчи қозон цехлари қурилишлари жадал олиб бораляпти. 1-Фарғона станциясидаги юк поездларини қабул қилиш ва жўнатиш муҳим бўлиб турибди. Шу сабабли бу ерда кенг қўламли реконструкция ишлари амалга оширилаётир. Охунбобоев, Хонобод, Ҳаққулобод, Учқурғон станцияларида шоҳбекат бинолари қурилиши олиб борилянти.

Қўқон станциясидаги шимолий паркда юк вагонларини таъмирлаш суръати ва сифатини яхшилашга хизмат қилувчи ишлар амалга оширилади. Бунинг натижасида йилига 6000 тага яқин юк вагонини таъмирлаш имконияти туғилади.

А. ТЎХТАСИНОВ,
«ИШОНЧ» мухбири.

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИБ

Корея бирлашган касаба уюшмалар Марказий Қўмитасининг делегацияси расмий сафар билан Ўзбекистонга келди. Делегация таркибида КБКУ Марказий Қўмитаси раиси ўринбосари Ким Ен Нам, КБКУ марказий Қўмитаси халқаро бўлим мудири Ин Тен Ги, халқаро бўлим инструктори Тен Ок Сан бор.

Корея Касаба уюшмалар делегацияси Тошкент шаҳри ва вилояти корхоналарида бўлдилар, Жиззах ва Самарқанд шаҳарларига бордилар, касаба уюшмалар фаоллари билан учрашдилар, маданий-маиший масканларни кўздан кечирдилар.

27 май куни кореялик меҳмонлар Ўзбекистон касаба уюшмалар Федерацияси Кенгашида қабул қилиндилар. Ўзбекистон КУФК раиси Ҳ.Жамолов меҳмонларга ҳозирги шароитда республика касаба уюшмалари фаолияти ҳақида гапириб берди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг юз берган улкан ўзгаришлар ҳақида гапираркан, Ҳулкар Баҳодирович, Ўзбекистон касаба уюшмалари мустақил бўлган ўз иш усул ва услубларни ўзгартирганини қайд этди. Бу усул ва услублар республика касаба уюшмаларининг XV қурултойида қабул қилинган янги Низом ва Дастурида ўз ифодасини топгандир. Қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашда касаба уюшмалар катта иш олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон Республикасининг янги Меҳнат Кодексининг қабул қилинишида касаба уюшмалар фаол қатнашдилар. Касаба уюшмалар ҳукумат ва маъмурият билан ижтимоий шерикчилик асосида ишлаб, ҳар йили меҳнаткашларни муҳофаза қилиш тадбирлари кўзда тутилган битим ва шартномалар тузади.

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг ҳозирги касаба уюшмалар билан халқаро алоқалари йилдан йилга ривожланмоқда. Ҳозирги пайтда дунёнинг 40 дан зиёд мамлакати билан алоқалар ўрнатилган. — Шубҳасиз, бугунги учрашувимиз халқларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади,-деди Ҳ.Жамолов.

Корея бирлашган касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси раисининг ўринбосари Ким Ен Нам ўз мамлакатининг ички сиёсий ва халқаро аҳволи ҳақида батафсил тухталди, касаба уюшмаларининг меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ҳақида гапирди.

У самимий кутиб олганликлари учун ва Ўзбекистон билан танишишга имкон берганликлари учун миннатдорчилик билдирди. - Сизларнинг табиатингиз ажойиб, замонавий корхоналарингиз, айниқса меҳнатсевар халқингиз беқиёс,-деди Ким Ен Нам. Сизнинг мамлакатингизда қўплаб корейс миллатига мансуб фуқаролар яшайди. Биз уларнинг яхши яшаб, ўз миллий анъаналарини давом эттиришаётганини кўрдик. Халқларимизда муштараклик жуда кўп ва ўзаро алоқаларимиз янада ривожланади ва мустаҳкамланади, деб ишонамиз. Ўзбекистон Касаба уюшмаларига, сизларнинг олижаноб ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз.

Қабул маросимида КХДРнинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ким Ир Хек, Ўзбекистон КУФК раисининг ўринбосарлари Т.Собитов, З.Қодиров иштирок этдилар.

А.СИЛЕЕНКОВ, «Ишонч» мухбири.

«Ишонч»га жавоб бўлади

«ЯНА БАРМОҚ ТИШЛАБ ҚОЛМАНГ»

Газетанинг 1996 йил 1 март сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада Охунбобоев туманида бошоқли дон экинларидан кам ҳосил олинаётгани танқид қилинган эди. Шу мақола юзасидан туман ҳокими томонидан юборилган жавоб хатида жумладан шундай дейилади:

...Танқидий мақола 1996 йил 29 март куни барча хўжалик раҳбарлари, бош мутахассислар иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда атрофлича муҳокама қилинди. Туманда 1995 йилда бошоқли дон экинлари ҳосили гектаридан 35 центнер ўрнига 32,9 центнерни ташкил этган.

Ўтган йили бошоқли дон экинларидан кам ҳосил олган, шартномадаги ҳосилни етиштираолмаган ижарачиларга бу йил экин майдони берилмаган. Намуна ва Дурмон жамоа хўжаликлари бошқарув ҳайъати раислари вазифаларидан бўшатилганлар.

Бу йил бошоқли дондан юқори ҳосил олиш мақсадида, ҳозиргача мавжуд 9500 гектар ердаги бошоқли дон майдонлари 2,6 марта ўтитланиб, 2,4 марта сугорилди. Туманимиз Марказий Фарғона ерларида жойлашгани учун унумдорлиги паст ерлар 40 фоиздан ортиқроқ майдонни ташкил этади. Лекин бошоқли донни жойлаштиришда мутаносибликка эътибор берилди. Шу кунларда бошоқли дондан юқори ҳосил олиш мақсадида экинлар парваришини агротехника талаблари даражасида давом эттирилмоқда. Бу йил давлат омборларига 18,2 минг тонна сара дон етказиб бериш билан мамлакатимиз галла мустақиллигига эришишига муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

М.АҲМАДХЎЖАЕВ, Туман ҳокими.

"Ишонч"га обуна давом этмоқда

Идоравий обуна индекси 64561,
обуна баҳоси—6 ойга 267 сўм
32 тийин (каталог баҳоси)
Тошкент шаҳри учун—237 сўм
18 тийин.

Якка тартибдаги обуна индекси 64560, обуна баҳоси—6 ойга 164 сўм 40 тийин (каталог баҳоси)
Тошкент шаҳри учун—
133 сўм 20 тийин.

Истаган алоқа бўлимида обуна ни расмийлаштиришингиз мумкин. Мунтазиллиримиз сафида Сиз ҳам бўлишингизга ишонамиз!

БИРЖА ХАБАРЛАРИ

Республика қўчмас мулк биржаси ва унинг вилоят бўлимлари ўтган ҳафтада 16 та «кимошди» ва танловлар, 7 та биржа савдолари утказдилар. Тадбиркор сармоядорларга қўплаб магазинлар, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари, ер майдонлари ҳамда турли русумлаги автомашиналар таклиф этилди. Савдо мобайнида 350 та иншоот сотилиб жами 37 миллион 792 минг сўмни ташкил этди. Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё ва Андижон вилоятларида, асосан, ер майдонлари яхши сотилди. Ҳафта мобайнида 3 миллион сўмлик 212 та ер майдонлари харид қилинди. Айниқса, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларига талаб катта бўлди.

Булар орасида Қашқадарё вилоятида 8 та АЁҚШ бошлангич баҳоси 1 миллион 800 минг сўм бўлгани ҳолда 10 миллион 500 минг сўмга сотилди. Сирдарё вилоятида ҳам 11 та АЁҚШ сотилиб 5 миллион 500 минг сўмлик маблағга эга бўлишди. Булардан ташқари, Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида қўчмас мулк иншоотлари савдосида 1,7 миллион ўрнига 2,4 миллион сўмга баҳоланди. Хоразм вилояти Хонқа туманида жойлашган консерва заводи ҳам 3,5 миллион сўм эмас, 4,6 миллион сўмга сотилди. Бу савдолар республика иқтисоди мустаҳкамланиб, мулкдорлар табақасини вужудга келаётганидан далолатдир.

***

Республика қимматбаҳо қоғозлар биржасида ҳам оддий акциялар савдоси кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Ўтган ҳафта мобайнида 85 та ҳиссадор жамоалар ўзларининг 342140 та оддий акцияларини сотиб 132263215 сўмлик маблағга эга бўлдилар. Унда Тошкент шаҳар «Пахта-Банк» жамоаси акцияларини 1250 сўмдан, «Бизнес-фонд» акциялари 600 сўмдан, «Нефть таъминот» жамоалари ҳам акцияларини 110 сўмдан сотдилар. Оддий акциялар савдосида фаол қатнашаётган ҳиссадор жамоалар иқтисодий базаларини мустаҳкамлаб, жамиятимиз равнақи учун катта имконият яратмоқдалар.

Янгиликлар

ХОРИЖИЙ ШЕРИКЛАР ЁРДАМИДА

Бу йил Андижон шаҳридаги 4-АТС ускуналари бутунлай янгиланади. Вилоят марказининг аҳоли зич жойлашган қисмида кичик станция қурилиши ҳам мўлжаллаб қўйилди. АТС учун янги электрон ускуналарни жаҳонга машҳур ДЭУ корпорацияси (Жанубий Қурия) га қарашли фирма ўрнатади.

Жанубий Қурияда махсус тайёргарликдан ўтган маҳаллий мутахассислар ускуналарни ўрнатадилар ва созлайдилар. Бу ишда уларга Жанубий Қуриялик шериклар ёрдамлашадилар.

Вилоятда 2010 йилга қадар бўлган давр учун телекоммуникация тармоқларини қайта қуриш ва ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган. Бунда эски тизимни рақамли тизимга ўтказиш, янги халқаро алоқа йўлини барпо этиш назарда тутилган. 200 мингтадан кўпроқ рақамга эга бўлган янги АТСлар ишга туширилади.

Т. ТЕМУРОВ

ОДАМЛАР ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

Олтинкўл туманида келинкуёвларга мўлжалланган, яъни, ихтисослаштирилган дукон очилди. Дукон ҳузурида модалар ательеси ва тикувчилик цехи ишлаб турибди. Келинкуёвлар эндиликда тўй либосларига шу ернинг ўзида буюртма беришади, шунингдек нархи унчалик қиммат бўлмаган, зарур товарларни сотиб олишлари мумкин.

Туманда кооператорлар ёрдамида мунтазам равишда янги иш жойлари ташкил қилинмоқда, халқ истеъмол моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар ва цехлар барпо этилмоқда, пулли хизматлар курсатилмоқда. Бу йил қадоқлаш ва макарон тайёрлаш цехи ишга туширилди.

Новвойхоналар ва тегирмонлар сони йил сайин кўпайиб бораяпти. Ҳозир туманда 20 га яқин новвойхона, 10 дан ортиқ ошхона, бир неча тегирмон ишлаб турибди.

Яқин вақтлар ичида шиша синиқларидан рузгорда ишлатиладиган стаканларни ясаш цехи фойдаланишга топширилади. Консерва цехи ҳам қурилади.

Л. ДОНИЕВ.

Бозор муносабатлари

МУҲИМ МЕЗОН

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг пировард мақсад моҳияти ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни барпо этишдир. Жаҳон тажрибасидан маълумки, XXI аср бўсағасида ривожланган мамлакатлар ўз тараққиётларини таъминлашда биринчи эътиборни инсонга, унинг ақлий камолотини ўстириш ва ундан унумли фойдаланишга қаратдилар. Хўжалик юритишнинг бозор усули иқтисодий самарадорликни янада кўтаришга ва зарур ресурсларни ижтимоий мақсадларга йўналтиришга имкон берганлиги билан қимматлидир. Масалан, иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилган, ривожланган саноат мамлакатларида ялпи ички маҳсулотнинг учдан бир қисми ижтимоий эҳтиёжларга сарфланади. Шу ўринда бу мамлакатларда иқтисодий ва ижтимоий соҳа манфаатларини мувофиқлаштириш механизми қарийб ўн йилликлар мобайнида таркиб топиб келди ҳамда у фан-техника тараққиёти натижасида ишлаб чиқаришнинг янгидан-янги талабларига мувофиқ такомиллашиб бормоқда.

Ривожланган бозор тизимида фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш, бу жараёнларни тартибга солиш вазифасини давлат ўз зиммасига олади. Шу билан бирга оила ва шахс фаровонлиги учун жавобгарликнинг катта қисми ишловчининг ўзига ва корхоналар зиммасига юклатилган. Бинобарин, мустақил юртимизда ҳам янги иқтисодий тизимни барпо этиш билан бир пайтда бошқа мамлакатлар эришган ютуқларни, республика ижтимоий соҳасида йиғилган ижобий тажрибаларни ҳисобга олувчи янги ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муваффақиятли олиб борилмоқда.

Маълумки, бозор иқтисодиётига утиш жамият ҳаётининг ута янги ҳодисаси булиб, аҳолининг кенг табақалари унга кўникма ҳосил қилиши, узининг дунёқарашини, одатдаги ҳаёт тарзини шунга мослаб узгартириши керак булади. Табиийки, янги шароитларни қабул қилиш, унга мослашиш даражаси ҳаммада ҳам бир хил булавермайди. Чунки, янгича шароитда яшаш ва ишлаш инсоннинг ёшига, соғлигига, билим ва касбий тайёргарлик даражасига, ижтимоий ҳолатларига, шубҳасиз боғлиқдир. Демак, бу даврда ижтимоий сиёсат аввало иқтисодий қайта қуришнинг аҳоли учун салбий оқибатларини олдини олиш ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг янги механизмини яратишга қаратилиши лозим.

Ўтиш даври иқтисодиётида ижтимоий сиёсатнинг ўзига хос хусусияти шундаки, давлатнинг роли кескин ўзгариб, ўзининг мулкка булган ҳуқуқини бошқа иқтисодий субъектларга бериш билан бирга, улар зиммасига ижтимоий мажбуриятларининг бир қисмини ҳам юклайди.

Янгича муносабатлар шароитида аҳолининг турли гуруҳларга табақалашуви ҳамда ижтимоий муҳофазанинг аниқ мақсадли кўриниши шаклланади. Агар аҳолининг маълум қисми объектив сабабларга кўра, истеъмол ва даромадларининг энг кам даражаси билан ўзини таъминлай олмаса, у ҳолда давлат уларни ўз ҳимоясида қолдиради, уларни пул ва натура кўринишида қўллаб-қувватлашни кафолатлайди. Буларга пенсионерлар, ногиронлар, болалар, ишсизлар киради. Иқтисодий фаол аҳолига келсак, бунда давлат уларнинг ҳар бирига ўзи ва оиласи учун зарур маблағларни ишлаб топиши учун имконият бериши лозим. Бунинг учун давлат ишлаб чиқаришни рағбатлантириши ва иқтисоднинг барча бўғинларида ишчи жойларини кенгайтириши лозим. Жумладан, узини иш билан таъминлаш ҳисобига бозор инфрастуктурасини яратишга ёрдам бериши лозим, чунки усиз замонавий фаолият мумкин эмас. Қўллаб-қувватлаш маълум даражада иқтисодий фаол аҳолига ҳам кўрсатилади. Жумладан, давлат нарх-навонинг усиши муносабати билан бюджет ташкилотларидаги ишчиларнинг иш ҳақини қоплашга ёрдам беради.

Узбекистон шароитида ижтимоий-сиёсатнинг устивор йўналиши булиб аҳоли иш билан бандлигини таъминлаш ва унинг ижтимоий заиф қатламини ҳимоялаш ҳисобланади. Республикада аввалдан долзарб ҳисобланиб келган бандлик муаммоси бозор муносабатлари жараёнида янада муҳим аҳамият касб этди. Янги ишлаб чиқилган қонунлар бир мунча эркин ва демократик хусусиятга эгадир. Фуқароларнинг ишга жойлашишига ёрдам кўрсатиш, мутахассислик маслаҳатлари бериш, бўш иш жойлари ҳақида маълумотлар, ўқитиш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, меҳнат бозорида рақобатлаша олмайдиган ёш болали аёллар, ёшлар, пенсияга чиқиш арафасидаги шахслар ҳуқуқларини ҳимоялаш давлат ташкилотларининг асосий вазифаси булиб қолади. Республикада бандлик хизматининг кенг тармоғи яратилган булиб, унинг асосий вазифаси меҳнат бозорида мувозанатни ўрнатиш, бандликнинг усишини рағбатлантириш ва давлат бўғинида ишчи кучини касбга тайёрлаш булиб қолди. Хусусан янги ишчи жойлари сонини кўпайтириш бўйича дастурлар, лойиҳалар ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Республикада ижтимоий тадбирларни мақсадли молиялаштириш мақсадида бюджетдан ташқари яна учта фонд ташкил этилган. Пенсия, бандлик ва ижтимоий суғурта фондларининг ресурси корхоналар, ишловчилар томонидан амалга ошириладиган махсус мақсадли ажратмалар ҳисобига суғурта қилиш усули билан яратилади.

Бозор муносабатлари мустаҳкамланиши билан бундай ижтимоий фондларнинг аҳамияти ҳам тобора усиб боради, албатта.

М.ҲАКИМОВА,
Б.МАҲМУДОВ,
Тошкент молия институти доцентлари.

УМИД КЎПРИГИ

Ҳамма нарса доимий эмас; вақти келиб эскиради, ишдан чиқади. «Жунариқ» устидаги кўприк қурилганида Учтепада 4-5 чоғли хонадон бўларди. Ҳозирги кунда маҳаллада 2 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Аҳоли пахта, пилла, дон етиштиради, чорва молларига озуқа тайёрлайди. Аҳоли кўпайгач кўприк талабга жавоб бермай қўйди. Катта ва оғир юк ташийдиган машиналар шофёрларию механизаторлар маҳаллага боришни эшитишса тайсаллаб қоладиган бўлдилар. Кўприк мисоли қил кўпроқ бўлиб қолган эди. Айниқса, 17-мактабга қатнайдиган ўқувчиларнинг ота-оналарини ташвиши кўпайди; боламнинг оёқ-поёғи кўприк тешигига кириб қолмадимикин, эсон-омон утиб олдимикин?...

Маҳалла фаоллар янги кўприк қуриш учун Янгийул тумани «Тинчлик» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси 3. Зоидова мурожаат қилдилар. Тўғри, ҳозирги иқтисодий қийинчилик пайтида раис таклифни инобатга олармикин, дегувчилар ҳам топилди. Йўқ, раис бу ҳақда кўпдан ўйлаб юрганини айтиб, қарияларни хурсанд қилди.

Кўз кўрқоқ, қўл ботир, деганларидек, иш бошланиб кетди. Қурувчилар қисқа фурсатда янги кўприк қуриб бердилар. Маҳалла аҳли ҳам томошабин бўлмади; имкони қадар ёрдам берди.

Кўприкни очиш Ғалаба байрамига тўғри келди. Маҳалла аҳли шу куни қўш байрамни нишонлади. Ҳамма янги кўприк умид кўпригги эканини, бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб, аҳлликда ишланса ҳар қандай қийинчилик ортда қолишини таъкидлади.

Ҳ. ҲАМИДОВ.

Суратларда: кўприкни очиш пайти; янги кўприк.

Рашид Галиев суратлари.

Емирилган империя азадорларига «ҳамдардлик»

Собиқ мустамлака республикалар ўз давлат мустақилликларига эришибдиларки, Россиянинг баъзи оммавий ахборот воситаларида «Россия Ўрта Осиёда қоладими ёки йўқми?» деган мавзу атрофида ҳиссиётлар олови сўнмай келяпти. Баъзан мунозарада қатнашаётганлар ўзларининг шовинистик қарашларини ўта сурбетлик билан очиқ-ойдин баён қилмоқдалар. «Россия Ўрта Осиёдан ҳеч қачон кетмайди» деб ўзларича ҳукм чиқараётган сиёсатчилар ҳам йўқ эмас.

КЎЛАНКА

Мантиқан ўйлаб қараганда масалани бу тахлитда қўйишнинг ўзи ноўрин. Марказий Осиёдаги мустақил давлатлар ҳам Россия каби Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзолари. Россиянинг бу ерда қолиши ёки қолмаслиги тўғрисидаги гап эса сунъий равишда ўйлаб топилган. Бу ердаги ҳар бир мустақил давлат ўз тақдирини ўзи белгилайди. Ким билан қай даражада дўстлашади, кимнинг таъсир доирасида бўлади, ким билан қайси йўналишларда қандай ҳамкорлик қилади - бу ўша давлат ўтказаётган сиёсатга боғлиқ. Ичида Россия турганлигини ҳис этган давлат ўзини мустақил дея олмаса керак. «Россия Ўрта Осиёда турибди ва чиқиб кетмоқчи ҳам эмас» деяётган сиёсатчилар эҳтимол ана шундай давлатни назарда тутишаётгандир. Унда «Ўрта Осиё» иборасини ишлатмасдан «Россия фалон давлатдан чиқиб кетмоқчи эмас» дейишса тўғри бўларди. Чунки, Ўрта Осиёга Узбекистон ҳам киради. Узбекистон эса узини чинакам мустақил давлат деб ҳисоблайди ва ичида қайсидир давлат турганлигини ҳис этаётгани йўқ. Чегарасини ўзи қўриқлаяпти, ҳудудида узининг қуролли кучлари турибди, иқтисоднинг жиловини узининг қўлида, ғаразли мақсад кўзланган садақага муҳтож эмас.

Бироқ шовинистик ҳиссиётлар кучайиб, катта стратегик мақсадлар йўлида собиқ империяни тиклаш режалари ишлаб чиқиляпти. Оммавий ахборот воситалари бу ҳақда очиқ ёзишяпти. Москвадаги халқаро муносабатлар институтининг катта илмий ходими, Марказий Осиё буйича мутахассис Дмитрий Трофимов «Би-Би-Си» радиоси мухбирига берган интервьюсида сурбетлик билан шундай дейди: «Шу нарса мутлақо равшанки, Россия Марказий Осиёдан ҳеч қачон кетмайди. Россия қолиши керакми ёки кетиши керакми, деган масала кўп мулоқатларга сабабчи булди ва бу гоя аллақачон шаклланган - Россия Марказий Осиёда қолган ва бундан кейин ҳам қолади. Демак, бугунги кунда Марказий Осиёда яшаётган руслар Россия учун объектив зарурат». Бундай гоя оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб қилиняпти. Россия президентлигига номзодларнинг баъзилари бу гояни узларининг сайловолди дастурларига киритишган. Айниқса, сайловолди курашининг ҳал қилувчи босқичи бошланган бугунги кунда буюкдавлатчилик ва буюкмиллатчилик жазавасини авж олдираётган номзодларнинг сафсаталари мустақилликка эришган барча эрксевар халқларни хушёр торттиради.

Марказий Осиё буйича «мутахассис» узининг шовинистик фикрини ривожлантириб, маҳаллий аҳолининг диний эътиқодини ва миллий гурурини камситади. «Агар руслар бу ердан кетишса оқибати ёмон булади. Шу жумладан, исломлаштиришни тезлаштиришга олиб келади» дейди у. Узгалар ҳаёти ва дини ҳақида бундай хулоса чиқаришдан номус қилмаганлигидан ҳайратланасан кишси. Диний эътиқод ўзбеклар учун тоталитар тузум пайтида ҳам муқаддас туйғу булган. «Рус тилига давлат мақоминнинг берилиши,- дейди «мутахассис»,- психологик жиҳатдан бу ерда низоли вазиятни камайтирган булар эди». Биринчидан, Узбекистонда ҳеч қандай низоли вазият йўқ, иккинчидан, ким ва қайси миллат вакили булишидан қатъий назар узи яшаб турган мамлакатнинг давлат тилини урганиши- бу табиий ҳол. Бу аввало давлат номини белгилайдиган миллатга ҳурмат.

«Россия Ўрта Осиёдан ҳеч қачон кетмаслиги керак» деган мавзу атрофидаги мунозара аслида 1991 йилда кучайган эди. Ушанда Андраник Мигранян деган сиёсатчи тез-тез телеэкранга чиқиб, Россиянинг Ўрта Осиёдаги узоқни кузлаган манфаатлари ва мақсадлари ҳақида сафсата сотар эди. Кимлардир ёқиш учун шовинистик гояларни чиройли иборалар билан ниқоблаш Миграняннга хос мунозара услуби эди. Унинг бу «маҳорати» юқори даражада рағбатлантирилди: телеэкрандаги сиёсатчи давлат сиёсатчиси мартабасига эришди.

Ўрта Осиёга ёмон кўз, ёвуз ният билан нигоҳ ташлайбошлаганлар сафи ушандаёқ кун сайин кенгайиб борди. Станислав Говорухин, Альберт Макашов, Виктор Анпилов, Виктор Алксенис, Сергей Бабурин, Геннадий Зюганов, Николай Лисенко сингари шовинистик дунёқарашдаги ўнлаб сиёсатчилар (аслида ўта миллатчилар) Ўрта Осиёдаги мустақилликка эришган давлатларни куч ишлатиб булса ҳам олдинги мустамлака ҳолига қайтариш гоясини кенг тарғиб қилдилар. Бунда улар халқаро муносабатларда ва давлатлараро алоқаларда ишлатишга мутлақо йўл қўйилмайдиган ҳақаротомуз иборалардан фойдаланиб, бошқа халқларни ва давлатларни камситиш билан узларини шарманда қилдилар.

Собиқ империяни тиклаш учун курашаётган шовинистик кучлар тўрт йил олдин Тожикистонда демократлар билан коммунистларни тўқнаштириб фуқаролар урушини чиқаришга ҳисса қўшганликларини ғалабага йўйиб, бошқа республикаларда ҳам шундай қилиш гоясини ёйишди. Бу нарса Россиянинг айрим оммавий ахборот воситаларида, айниқса, 1994-1995 йилларда яққол кузатилди. Жумладан, академик Никита Моисеев «Новая ежедневная газета»да шундай деб ёзди: «Ўрта Осиё республикаларида биз собиқ партия, яъни коммунистик партия арбобларини қўллашимиз керак, уларда фақат исломдан аллергияси бор бўлгани учун эмас. Бу мамлакатлар учун ҳозирча биз керакмиз... Собиқ партия бошлиқлари асл суянчиқлари қаерда эканини яхши тушунадилар. Шунинг учун эскиларга ёрдам бериб, янгиларини излаб топишимиз, оёққа турғазишимиз лозим. Буни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан амалга оширишимиз керак бўлади». Бу академикнинг фикри эмас, қўпорувчилик дастурига ўхшайди. Ичимизда низо тўғдириб, мустақиллигимиздан маҳрум этиш гоясидан ҳали улар воз кечишгани йўқ.

Никита Моисеев каби бузғунчилар қўпорувчилик дастурига ўхшайдиган фикрларни бежиз айтишаётгани йўқ. Улар емирилган империяни қайта тиклашда бир пайтлар собиқ партноменклатура таркибида айшини сурган, мустақилликдан кейин эса бундай имкониятдан маҳрум бўлиб қолган эътиқодсиз арбоблар ёрдамига умидвор бўлишяпти. Империяпараст кучлар узлари учун қулай имконият туғилса, уларга хизмат қиладиган сотқин ҳам манқурт ҳам топилишига ишонадилар.

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўтган йили кузда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юбилей сессиясидан қайтиб келганидан кейин Узбекистон телевидениеси мухбирига берган интервьюсида ана шундай кучлар борлиги тўғрисида огоҳлантириб ва уларга зарба бериб қўйидаги сузларни айтган эди: «Айрим кимсалар Россияни собиқ СССР чегарасида тикламоққа уринишяпти. Соддароқ қилиб айтганда, бу парчаланиб кетган СССРни тиклаш дегани. Олди-кетини ўйламайдиган бу ҳовлиқмалар (улар жуда кўп) эски коммунистлар, эски ўй-фикрда юрган одамлардир. Улар бир вақтлар партноменклатурага кириб, тўғрироғи, партия тепасига чиқиб олиб айшини суриб юришарди. Ҳар куни Москвага чопиб бориб, қули қўксида, энди нима буюрсиз, тақсирим, деб сўрашарди. Улар ҳозир ҳам ўша кунларни қўмсаб, соғиниб юришибди. Уларни биламан, лекин уларнинг даври ўтди, энди қўлларидан ҳеч нарса келмайди. Нега деганда, халқимиз қайси йўл ёруғ, қайси йўл тўғри ва қаерга олиб боришини тушуниб олди».

Президентимиз таъкидлаб утганидек, энди уларнинг қўлларидан ҳеч нарса келмайди. Буни яқинда Узбекистон аҳолисининг Россия давлат думаси қарорига бўлган муносабати яққол курсатди. Халқимизнинг мустақиллиги мустаҳкамлашдаги яқдиллиги нафақат Россиядаги ўта миллатчи шовинистик кучлар, балки пайт пойлаб юрган манқуртлар учун ҳам жилдий огоҳлантириш бўлди. Энг муҳими, Узбекистон раҳбариятининг бу борадаги қатъиятлиги жаҳонда ижобий акс-садо берди ва Узбекистонга, унинг тутган йули, ташқи сиёсатига ишонч кучайди.

Бироқ бу билан империяпараст кучлар мулзам бўлишиб тинчиб қолишди, десак жилдий ҳато қилган буламиз. Аксинча, Россиядаги президентлик сайлови баҳонасида улар жазавани тобора авж олдиришяпти. Собиқ империяни қайта тиклаш илинжида президент бўлиш учун кураш бошлаганлар сафида бир нечта миллатчи номзод бор. Улардан ҳар бирининг юзлаб, минглаб тажрибали таргиботчилари куни-тун сафсата сотиб, собиқ империя тикланиши биланоқ жаннатсифат ҳаёт ваъда қилиняпти. Собиқ империянинг собиқ бош вазири-ю собиқ парламенти раисидек машҳур арбобларнинг Геннадий Зюгановдек «доҳийга» таргиботчи сифатида ёлланганликлари ажабланарли. Николай Иванович Рижков ҳамон ўша-ўша йиғлоқи оҳангда гапиради. «Бирорта ҳам республиканинг мустақил бўлиш истаги йўқ эди, айниқса, Ўрта Осиё халқлари бундай ҳиссиётдан йироқ эдилар»-дейди бош вазирликни ўлдалай олмай иқтисодни алтов-далтов қилиб юборган ва Узбекистонни «боқиманда республика» деб атаган арбоб. Энди эса у Ўрта Осиё халқларининг ҳиссиётларидан башорат қиляпти. «Дунё шундай яралганки,-дейди империяни қумсайвериб ҳаёлпараст бўлиб қолган «файласуф» Рижков,-кимлар кимларнидир босиб олади, кимлар кимлардир қарам бўлиб қолади. Тўғри, Россия қайсидир давлатларни босиб олиб узига қаратган, энди шу ерлар Россияники бўлиши керак, буюк империянинг парчаланишига йўл қўймайди».

Умуман олганда, буюкдавлатчилик ва буюкмиллатчилик гояси, шовинистик қарашлар фақатгина коммунистлар, либераллар, фашистлар, ўта миллатчилар ва бошқа империяпарастлар табақаси онгига эмас, балки узларини демократлар деб атайдиган аксарият ислоҳотчилар қалбига ҳам сингиб кетган. Улар ҳам оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларида «Россия Ўрта Осиёдан кетмаслиги керак» деган фикрни зур бериб тарғиб қилиняпти. Гўё Марказий Осиёдаги мустақил давлатлар ичида яна бир Россия деган давлат бордай. Ҳатто воқеа-ходисаларни «холисроқ» ёритишда танилган «Труд» газетаси ҳам бундай сиёсий мунозарадан четда қолмади. «Политика» фондининг президенти, тарих фанлари доктори Вячеслав Никонов бу мавзуда бир эмас, бир неча марта чиқиш қилди. Жумладан, у шу йил февраль ойида мазкур газетадаги чиқишларидан бирида Россия Марказий Осиёда «узининг ҳарбий-стратегик ва иқтисодий позициясини сақлаб қолиши керак» деб уқтиради. Акс ҳолда унинг фикрича, 3,5 миллион рус аҳолиси бу ердан кетишга мажбур булиб, 50 миллион аҳолини қамраб оладиган « ислом ёйи» минтақасидаги нотинчлик Кавказдаги шундай ҳолат билан қушилиб кетиб Россияга катта хавф тўғдирармиш.

Россияни ҳали ҳам Марказий Осиёда турибди ва бу ердан кетмоқчи эмас, деб ҳисоблайдиган сиёсий кучлар жаҳон ҳамжамиятининг тенгҳуқуқли аъзолари бўлган мустақил давлатларни тўғридан-тўғри хорижий давлатлар деб аташни лозим кўришмаяпти. Ҳатто Россия демократлари ҳам уларга нисбатан «яқин хориж» иборасини ишлатишади. Аслида бу Марказий Осиёдаги мустақил давлатларни камситишдан бошқа нарса эмас. Бу масала Россия матбуотида ҳам кўп мунозарага сабабчи булди. Шунга қарамасдан оммавий ахборот воситаларида «яқин хориж» деган ибора жуда оммавийлашиб кетди. Бунинг сабабини сўрашганида «чегарадош республикаларни узимизга яқин олиб шундай деяпмиз»дейишди. Унда Россия билан чегарадош Мўғулистон, Хитой, Финляндия, Польша каби давлатларга нисбатан нега «яқин хориж» ибораси ишлатилмайди? Бу саволга устомон сиёсатчилар жавоби шу бўлдики, собиқ империя ҳудудида яшаган халқлар бошқа халқларга қараганда Россияга яқинроқ ва қадрдонроқ эмиш, Ажабо, нима ўша пайтда социалистик Польша билан Мўғулистон коммунистик СССРга қадрдон эмасмиди?! Кўриниб турибдиқи, шовинистик кайфиятдаги сиёсатчилар жавобида мантиқ йўқ. Бу биринчидан. Иккинчилан эса, Узбекистон, Туркманистон, Қиргизистон, Тожикистон, Молдова, Арманистон давлатлари Россия билан бевосита чегарадош эмас-ку! Унда нега бу давлатлар ҳам яқин хориж мамлакатлари дейилади. Бу саволга ҳам аниқ жавоб йўқ. Шу йил 6-февраль куни «Труд» газетасида босилган лўқмада Россия томонидан «яқин хориж» ибораси ишлатилишига қарши булган Европа Кенгашининг талабига эътироз билдирилиб, 1945 йилда фашизм устидан бирга ғалаба қилганмиз, шунинг учун бу халқлар билан яқинмиз, дейилибди. Бундан чиқди, иккинчи жаҳон урушида миллионлаб қурбонлар берган поляклар, инглизлар, серблар, хорватлар ва бошқа халқлар фашизмга қарши биргаликда курашмаган эканларда? Хуллас, «яқин хориж» иборасини оқлайдиган далил-исбот йўқ.

Агар эсингизда булса, Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бир неча марта турли учрашув ва суҳбатларда, охирги марта эса шу йил қишда бир гуруҳ россиялик журналистлар билан ўтказган учрашувида мустақилликка эришган республикаларга, хусусан, Узбекистонга нисбатан «яқин хориж» ибораси ишлатилишига қарши эканлигини айтган эди. Чунки, қўпчилик бу ибора замирида нималар яширинганлигини аллақачон англаб етган. Бугунги кунга келиб, «яқин хориж» иборасида яширинган мақсад жаҳон миқёсида акс-садо бера бошлади. Хабарингиз бор, бу йил Россия бажарилиш муддати белгиланган маълум шартлар асосида Европа Кенгаши аъзолигига қабул қилинди. Страсбургда Россия олдига қўйилган асосий шартлардан бирида собиқ СССР парчаланиб кеттанидан сўнг пайдо бўлган мустақил давлатларга нисбатан бундан кейин «яқин хориж» иборасини ишлатмаслик талаб этилади. Европа Кенгашининг фикрича, бунда собиқ мустамлака бўлган ҳозирги мустақил мамлакатларга нисбатан империяпарастлик мақсадлари яширинган.

Бу фикрга қўшилмаслик мумкин эмас. Ҳар бир нарсани ўз номи билан аташ керак. Узоқми-яқинми еки чегарадошми-йўқми бўлардан қатъий назар собиқ империя асоратидан қутилган ҳар бир мустақил давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бошқа тенгҳуқуқли аъзолари каби хорижий мамлакатлар ҳисобланади. Хорижий мамлакатлар эса гуруҳларга ажратилиб камситилмайди. Ҳар бир давлат қайси қитъада еки қайси минтақада жойлашганлигидан қатъий назар фақат ўз номи билан аталиши зарур.

Узбекистон бошқалар учун мустақил хорижий давлат. Унинг обрўсига ҳеч ким соя солмаслиги ва унинг эркини ҳеч ким қулланкадек таъқиб этмаслиги керак. Узбекистон Марказий Осиёнинг бир булаги. У узини занжирбанд қилган ёвуз ниятли шарпадан қутилганига беш йил булятти. Бу шарпанинг яна қайтишига йўл қўймайди. Емирилган империя азадорлари қанчалик оҳ-воҳ қилишмасин тарих гилдирагини орқага қайтариб булмайди.

Иброҳим НОРМАТОВ,
журналист.

Касаба уюшмалар ҳаёти

МЕҲНАТКАШ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Республика машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг III пленумидан

Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг мажлислар залида республика машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда «Республика машинасозлик саноати тармоғидаги касаба уюшма ташкилотларининг ишловчи аёлларнинг ишлаб чиқаришдаги ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатлари мавқеини ошириш борасида олиб борилаётган фаолияти тўғрисида», «Ўзбекистон машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг касаба уюшмалари фаоллари билан 1995 йил 16 мартидаги учрашуви якунлари ва Ўзбекистон касаба уюшмалари XV қурултойи қарорларини бажарилиши юзасидан амалга оширилган тадбирлар тўғрисида»ги масалалар кўрилди. Кун тартибидаги икки масала юзасидан Ўзбекистон машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмитаси раиси Ш.Одилов маъруза қилди.

- Республикамиз мустақилликка эришганидан буён ўтган тўрт йил мобайнида Президентимиз, ҳукуматимиз иқтисод, сиёсат ва маънавият соҳасида катта ишларни амалга оширди,- деди маърузачи. - Айниқса, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар диққатга сазовордир. Жумладан, республика аҳолисининг ҳимоясиз ва муҳтож табақаларни - болалар, ёлгиз қариялар, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш, халқимизнинг аёллар оша яшаб ривожланиб, сайқалланиб келаётган анъаналари, қадриятлари, урф-одатлари, тили ва руҳиятини тиклаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги, оиладаги аҳволини тўбдан ўзгартириш борасида амалга оширилаётган ишлар халқимиз диққат-эътиборида бўлмоқда. Дарҳақиқат, хотин-қизларнинг жамиятдаги, оиладаги аҳволини тўбдан ўзгартириш, уларнинг меҳнати ва турмушини ташкил қилиш, уй-рўзғор ишларини ижтимоий ишлаб чиқаришдаги фаол қатнашиш билан оқилона қўшиб олиб боришлари учун шароит яратиш, уларга мустақил иш участкаларини топшириш, ўз касб ва маънавий имкониятларини тўлароқ намоён қилишларига шароит яратиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар шарқона демократик барқарор жамият барпо этишдаги муҳим қадамлардир.

- Республикамизда хотин-қизларнинг иш шароитларини яхшилаш,-деб сўзида давом этди маърузачи,-меҳнатини енгиллаштириш, ҳомиладорлик ҳолатларида уларни жисмонан толиқтирадиган ишлардан озод этиш, турмуш тарзини жаҳондаги тараққий этган давлатлар хотин-қизлари шароитлари билан тенглаштириш, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг давлат ва ижтимоий қурилишдаги ролини ошириш борасида таҳсинга сазовор тажриба тўпланган.

Тармоғимиздаги корхона ва ташкилотлардаги хотин-қизларга енгиллик тўғдириш мақсадида савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, омонат кассалар ишлаб турибди. Қўпларида гигиена, дам олиш, овқатланиш хоналари ва сауналар ташкил қилинган. 13 та тиббий санитария қисмлари, 167 та соғломлаштириш бўлимлари, 16 та санаторий, бир мавсумда 23 мингта яқин болаларни соғломлаштирадиган 28 та оромгоҳ ишлаб турибди. Кўпгина корхона ва ташкилотлар қошида дам олиш оромгоҳлари мавжуд. Умуман, ҳар йили даволаш-соғломлаштириш муассасаларида 65 мингдан зиёд меҳнаткаш ўз оила аъзолари билан соғлигини тикламоқда. 1000 дан зиёд Орол бўйилик болалар тармоғимизнинг Тошкент вилоятидаги ёзги соғломлаштириш оромгоҳида дам олмоқда. Бу ишларда Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узбеккабель», «Алгоритм»,«Миконд»,«Технолог»,«Чирчиқ» трансформатор ҳиссадорлик жамиятлари касаба уюшма қўмиталарининг хўжалик раҳбарияти билан қилаётган ишлари диққатга сазовордир.

«Ўзэлектроаппарат» ҳиссадорлик жамияти ташаббускор ва ишбилармон кишиларга таянмоқда. Бу ерда ишлаб чиқилган «Заводмаҳалла» дастурини Республика Давлат мулкчилик қўмитаси қўллаб-қувватлади. Дастур асосида ишлаётган корхона бино, хомашё ва ускуналар етказиб беради, тайёр маҳсулотни сотишда кўмаклашади. Бу дастурни барча ташкилотлар қўллаб-қувватламоқдалар.

Маърузачи тармоқда ишлаётган хотин-қизларга яратилган шарт-шароитлар устида тўхталди. Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхонасидаги меҳнат шароити талаб даражасида эмаслигини танқид қилди.

- Бу ерда асосий эътибор қуюв цехига қаратилган булиб,- деди маърузачи,- қолган 6-ва 10-цехлардаги меҳнат шароитлари талабга жавоб бермайди.

Аёллар оғир ва соғлиққа зарарли меҳнат шароитларида ишлашяпти. Қуюв, пайвандлаш, буёқ бериш ҳамда темир қадоқлаш цехларида ишлаётган аёллар сони 4275 кишини ташкил этади. Иш шароити яхши булмаган жойларда ишловчи аёллар сони эса 1912 кишидан иборат. Ута оғир меҳнат билан шуғулланувчи аёллар икки кишини ташкил этади.

Уттан йили ишлаб чиқаришда 21 аёл тан жароҳати олган. Натижада 302 ишчи куни йўқотилган. «Узбеккишлоқхўжалик машинасозлиги» корхонасида 7 та тан жароҳати олганлардан 3 тасини аёллар ташкил қилади. Мазкур корхона маъмурияти ва касаба уюшмасининг бу соҳада етарли иш олиб бормаётганини кўрсатади. Жойлардаги бир қатор касаба уюшмаларида ҳам бу ишлар суст олиб борилмоқда. Баъзи ҳолларда то меҳнаткашлар мурожаат этмагунларича бу масалаларга умуман эътибор қаратилмайди. Бундай муаммолар Хоразм, Фарғона вилоятларидаги ташкилотлар, Чирчиқдаги қишлоқ хўжалик машинасозлик корхонаси, «Электромаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшма қўмиталари йиғилишларида кўриб чиқилмаган.

Соғ танда, соғлом фикр бўлади. Тани соғнинг иш унуми сифатли ва унумли бўлади. Гарчанд, тармоққа қарашли маданий ва спорт моддий-техник базаси кучли бўлса-да, афсуски, бу борада мақтагулик натижалар деярли йўқ.

Маърузачи корхона ва ташкилотларда меҳнаткашларнинг тўлиқ овқатланиши хусусидаги муаммоларга ҳам тўхталиб утди. Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узбеккабель» давлат, «Миконд», «Фотон» ҳиссадорлик жамиятлари, «Трактор» ишлаб чиқариш бирлашмаларида бу борада ибратли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Мазкур корхоналар овқатланиш шаҳобчаларини ўз тасарруфига олиб, овқатланиш таннархини 30-40 фоизгача туширган. Пархез таомлар билан таъминлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Афсуски, ишчи-хизматчиларни қўпчилик корхоналарда пархез таомлар билан таъминлаш ҳалигача йўлга қўйилмаган. Бу ҳам етмаганидек, ўз-ўзини қопламагани учун ошхоналар қисқартирилмоқда. Корхоналардаги ишчиларнинг 20 фоизи ҳам ошхонада овқатланмаяпти, қўпчилик узи овқат олиб келиб санитария-гигиена қоидаларига жавоб бермайдиган иш жойларида тановул қилмоқда. Таҳлил шуни кўрсатадики, тўғри овқатланиш йўлга қўйилмаган

Машриқзамин дарғалари

АЛ-ЖОҲИЗ

Ал-Жоҳизнинг тўла исми Абу Усмон Амр ибн Таҳр ал-Басрий ал-Шоҳиздир. Бу киши ўз даврининг энг йирик мутафаккири, ҳатто Абу Райҳон Берунийлар ҳам тан олган йирик иқтидор эгасидир. У киши жуда кўп асарлар ёзган.

Манбаларнинг хабар беришича, ёшлик чоғидаёқ отадан ажраб, етимлик машаққатларини татиган ал-Жоҳиз онаси билан қийналиб яшаган, устодлар уйига бориб таълим олган, кейин мустақил равишда китоблар мутолаасига берилиб билимини орттирган. Манбаларнинг кўрсатишича, Ал-Жоҳиз китоб сотар дўкондор хизматига кирган. Боланинг поклиги, илмга бўлган истагини кўрган дўкондор хатто кечалари ҳам уни дўконида қолишга ва китоб мутолаа қилишга рухсат берган. Шу тариқа у дўконга тушган кўп китобларни мутолаа қилишга улгурган.

Бир сўз билан айтганда, Ал-Жоҳизда илмга бўлган чанқоқлик уни сермутолаа бўлишга чорлайди. Бозор ўрталарида бўладиган ҳар хил олимлар тортишувида иштирок ҳам этади, бу ўтишларнинг сўнгида сермутолаа ва зийрак Ал-Жоҳиз ўтириш юлиби бўлиб чиқарди, бобобора ман-ман деган олимлар ҳам у билан тортишишга дош бера олмайдилар. Шу тариқа Ал-Жоҳиз обрў-эътибор қозонади: фалсафа, адабиёт, мантиқ, табиатшунослик, шеърият, тарих, табобат, астрономия, зоология, ботаника каби фанларни эгаллайди. Бу соҳада ижод қилди. Унинг бу борадаги йирик саналган «Китоб ал-Ҳайвон» (Жониворлар китоби) асарини эслаш кифоя. Ал-Жоҳиз бу йирик асари учун ҳукмдорлардан беш минг динор мукофот ҳам олади. Бу эса ўша давр учун жудаям катта маблағ эди. У киши араб адабиёти ва маданиятини яхши билиш билан бирга юнон ва форс адабиётини ҳам пухта биларди. Унинг арабча асарларида учрайдиган турли тилларидан кирган ибора ва терминлари шундан дарак беради. У Боғдодда турли фанлардан дарс ҳам бера бошлайди. Давримизгача етиб келган унинг «Ал-Баён ва -табйин» («Баён ва тушунтириш») китобидир. Муаллиф бу китобини битганида ҳам беш минг динор мукофотга сазовор бўлади. Шу билан ал-Жоҳиз Ироқу Ажам юртларида машҳур бўлиб кетади. Айниқса унинг «Баҳиллар китоби» муаллифга кўп шуҳрат келтиради. Бунда ал-Жоҳиз ўзининг ўткир адиб эканлигини кўрсата олган, унинг ҳикояларида топган ҳар бир деталлари ундаги бу олий қудратни намоён эта олган.

Ал-Жоҳиз жудаям қузатувчан одам бўлган. Унинг ҳар бир ҳикоясида бу ҳол сезилиб туради. Ана шу жиҳатдан ҳам орадан минг икки юз йил ўтганига қарамай, ал-Жоҳиз битган асар ҳали ҳам одамлар эътиборига лойиқ, уларга манзур бўлаётгандир.

Қуйида ал-Жоҳизнинг «Баҳиллар китоби»дан парча ҳангомалар ўқийсиз.

Асарда битилган барча воқеалар ёзувчи даврида бўлган ва уларни муаллиф ўз кўзи билан кўрган ва унда номи битилган шахсиётларни ўзи яхши таниган. Шу жиҳатдан қаралса, ал-Жоҳиз воқеий ҳикоялар ёзган, десак янглишмаймиз.

МУЛОҲАЗА ЮРИТИШ АҚЛНИ ТАРОШЛАЙДИ

Сўнг бошқа бир қария сўз олиб деди:

- Биз чақмоқ чақиб учқун чиқарамиз деб кўп уриндик. Чунки тош урилганида чеккалари синиб уқаланиб тушар, думалоқ ҳолга тушиб тўмтоқ бўлиб қолиб, аланга чиқариб бўлмасди, ҳеч фойдаси чиқмай, аҳвол танг бўларди. Чақмоқ тошга қанча урилмасин, ундан шақиллаган овоз чиқар эдию, аммо олов учқунидан дарак бўлмасди. Бунинг устига устак ҳавода булут пайдо бўлиб, у ҳам қош-қовоғини солиб олган, булут ҳам озоздан томчилаб турарди. Баъзида тош чақмоқнинг чеккасини ўйиб, ёйга ўхшатиб букиб ҳам қўярди. Шу тариқа чақмоқдан чиқадиган бир учқун ҳам отасининг хунини сўрагандай анчамунча қимматга тушиб кетарди. Бунинг устига биз бир аланга чиқариш ва ундан пахта тутатиб олиш учун анча қийналар эдик. Яна денг унинг сассиқ ҳидини айтмайсизми. Шу билан бирга учқунни буялган кир латтага олиб ҳам бўлмайди, унинг ўрнига бошқа нарса ҳам ишлатиб бўлмайди ё эски латта, ҳам тутиб бўлмайди, тутганда тутамайди. Шунинг учун унинг матоини арзонга олиб бўлмасди, анча қимматга тушарди. Бу масалани бадавийлар ва қўчманчилар билан тўпланиб маслаҳатлашиб олдик. Шунда бадавийлар билан маслаҳатлашиб махр ва афарга ўхшаган дарахт ёғочларини ишлатиб учқун чиқариш йўлйўриғини маслаҳатлашиб оладиган бўлдик. Бунга дўстимиз ас-Саврий ёрдам берадиган бўлди. Бу киши бу борада жуда билагон, пихини ёрган одам экан, йўл кўрсатадиган бўлди. Унинг фикрича, хурмонинг ёғочи бошқа ҳамма нарсанинг ўрнини босар экан. У менга буни қандай қилиб бажо келтиришни ўргатди. Бу эса ўз еримизда ўсадиган, текин бир нарса эди. Энди ходимимиз уни текингинага ўз еримизда ўсадиган хурмо ёғочи билан олов чиқарадиган бўлди.

Буни эшитган ўша одамлар ҳаяжонланиб:

- Биз бугун жудаям кўп фойдали нарсаларни билиб олдик. Қадимги одамлардан бири: «мулоҳаза юритиш ақлни тарошлайди» деб бекор айтмаган экан,- деди.

ЗУБАЙДА ИБН ҲАМИД ҚИССАСИ

Басрада йирик саррофлардан Зубайда ибн Ҳамид деган киши бор эди. Шу киши эшиги ёнида савдо қиладиган баққолдан икки дирҳаму бир қирот қарз олибди. Орадан олти ой ўтгач, Зубайда ибн Ҳамид баққолга ўша олган пулини бермоқчи бўлиб олдига келибди. Шунда унга икки дирҳаму уч арпа донидай ўлчовида кумуш пул берибди.

Шунда баққолнинг зардаси қайнаб:

-Субҳоналлоҳ! Ахир сен юз минг динорли одам бўлсанг: Мен бир камбағал фақир одам бўлсам, юз чақам ҳам бўлмаса зурға учма-уч қилиб қунимни кураётган бўлсам, шундан у -бу нарса чиқармикан деб, бу нима қилганинг! Ахир уз кузинг билан кўриб турган эдинг, туякаш билан ҳаммол эшигинг олдида сенга бақириб берган эди, ҳақини сўраб, ёнингда эса сариқ чақа ҳам йўқ эди, бу ишларингни бажарадиган вакилинг ҳам йўқ эди, мен шунда сен учун икки дирҳаму тўрт арпа уруғидай кумуш пул тўладим, энди олти ой муддат ўтгач, сен менга икки дирҳаму уч арпа уруғичалик кумуш пул бериб утирибсан, уялмасдан.

- Ҳей жинни,-деди Зубайда,- сен менга ёзда қарз берган эдинг, мен сенга қишда қайтарябман. Учта қишки арпа чақаси тўртта ёзги арпа чақасидан ҳам ортиқ туради. Мен сенга керагидан ҳам ортиқ пул бердим, бадбахт, эсинг борми узи, галча.

ЛАЙЛО АН-НОИТИЯ ҚИССАСИ

Лайло ан-Ноитияга келсак, у шиа мазҳабининг ўта кетган фидоийси эди. У доимо қўйлагига шиалик ишорасини тикиб киярди. Натижада шундай бўлардики, қўйлак шўрликда аввалги асли туси ҳам қолмай, ҳаммаёги ямалиб, мисоли бир қуроқ қўйлакка ўхшаб қоларди. У доимо қўйлагини ямар, тузатар, ўша белги ишораларини қадаб қўяр, ниҳоят қўйлак бошдан-оёқ қуроққа айланганча кийилар эди. У худди мана шу шоир шеърида айтилгандай:

Кийгил сен қўйлагингни то йиртиқ кўргунингча,
Сўкилган жойни кўриб, дарҳол узгартиргунингча.

Шунда аёл деди:

- Ҳа, мен тентак эканман-да, а? Ахир мен худо ҳақи, йиртиқни ямайвериб, ямайверив эсим кетдику, йиртиқ устига ямоқ, ямоқ устига чандиқ бўлиб.

БАҲОНА

Бир гал мен, Абу Исҳоқ ан-Наззом ва Амр ибн Нуҳявий уччаламиз калом ва каломчилар борасида гаплашиб утирмоқчи бўлиб, мозор томонга борган эдик. Йўлимизда Валид ал-Қурайший уйи бор эди. Валид ал-Қурайший бизларни кўриб, ҳамроҳ бўлди. Биз тўғри бориб кенг бир сайҳонликка бориб утирдик. Бу ер сердарахт, серўт, жудаям серсоя жой эди. Дарахтлар шохи жазирама иссиқдан асраб, шинам ва таъбли бир кўркам жой қилган эди, қуёш тапти ҳам йўқ, оромижон бир жой эди.

Суҳбатимиз чўзилиб кетди, калом илми тўғрисида анчагина гаплашиб олдик. Суҳбат қизиб кетиб вақт тушдан ҳам ўтиб кетибди. Шу куни жазирама иссиқ эди. Қайтишда мен куннинг иссиқлиги ва офтобни қиздираётганини сездим. Узимча офтоб қуйдирмаса эди, деб ўйладим. Мен фикримни Абу Исҳоққа айтган эдим. Шу пайт ёнимда Валид қадам ранжида қилар эди, у менинг гапимни эшитиб қолди:ал-Ботина маҳалласи биздан узоқ, бугун кун жазирама иссиқ, ҳаммаёқ ёнаяпди. Энг яхшиси биз ал-Валид уйига кирайлик-да, у ерда бироз ором олайлик, уйида борини ейлик. Ҳозир иссиқ овқат ҳам кўп ейилмайди, сал салқин тушса, уй-уйимизга тарқаламиз. Бўлмаса бу жазирама иссиқда ҳаммамиз уламиз.

- Лекин, худо ҳақи, бўлмайди,-деди Валид овозини сал баландроқ қилиб,- ҳеч нарса чиқмайди, сен буни яхшилаб билиб ол. Бу гапингни ичингга сол, дамингни чиқарма.

- Нега ҳеч нарса чиқмас экан,-дедим мен унинг гапига раддия қилиб.- Гапимни номаъқул деб топаябсанми. Биз уйинга меҳмонга кираётганимиз йўқ заруратдан кираябмизку.

- Сен буни киноя билан кесатиб айтдинг,- эътироз билдирди у гапга.

- Нега киноя бўлар экан, ахир менинг ҳаётим сенинг қўлингда, мен сени биламанку..,-дедим унга.

Унинг жаҳли чиқди, қўлини қўлимиздан тортиб олди-да, жуфтакни уриб қолди. Худо ҳақи, ростини айтсам, шу бугунгача у узининг бу қилиғи учун биздан кечирим ҳам сурамади. Шу пайттача мен ёрдам сураган кишига рад жавобини берган ундан бошқа бирор кишини билмайман.

Сўзбоши ва ҳикоятларни арабчадан таржима қилиб тайёрлаган Абдусодиқ ИРИСОВ.

Абу Усмон ал-Жоҳиз

БИЗДАН СЎРАБСИЗ...

Саволларга ҳуқуқшунос Мастура ҲОЖИМАТОВА жавоб беради.

Мен 68 ёшдаман. Ҳозирда қарилик пенсиясидаман. Уруш даврида фронт ортида меҳнат қилганман. Менга тиш протези бепул қўйиладими?

Тошкент шаҳридан бир гуруҳ пенсионерлар номидан Муҳаббат Алихонова.

Амалдаги қонунга асосан қуйидаги шахсларга тиш протезлари навбатсиз ва бепул қўйилади. (Қимматбаҳо металлдан тайёрланган протезлардан ташқари)

- Ватан уруши ногиронлари, қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга:
- ҳалок бўлган харбий хизматчиларнинг умр йўлдошларига:
- Чернобил фожеаси ногиронларига:
- Чернобил фожеасини бартараф этишда иштирок этганларга:
- шахсий пенсионерларга:
- Ватан уруши даврида фашистларнинг гетто ва концлагерларида тутқунликда сақланган вояга етмаган болаларга:
- 1941 йил 8 сентябрдан 1944 йил 27 январгача собиқ Ленинград шаҳрининг корхона ва ташкилотларда ишлаган ҳамда «Ленинград мудофааси учун» ва «Ленинград қамалида яшаган» медали билан тақдирланганларга.

Ҳурматли таҳририят ходимлари. Сизларга бир неча саволлар билан мурожаат қилмоқчи эдим:

1. 1988 ва 1990 йилларда туғилган икки нафар фарзандим бор. 1990 йилда туғилган болам иккинчи гуруҳ ногирони. Уни биринчи гуруҳ ногиронликка ўтказиш мумкинми?

2. Ногирон боламга тўрт ғилдиракли аравача олишга ҳақлиманми?

3. Президент Фармонига асосан моддий ёрдам олишим мумкинми?

Шаҳодат Махмусаева Самарқанд вилояти Ургут тумани.

Шаҳодатхон! Хатингизнинг мазмунига қараганда 6 ёшли фарзандингиз болаликдан ногирон экан. У 16 ёшга тулиб паспорт олгандан сўнг тиббий меҳнат экспертиза комиссиясидан (ВТЭК) утказилади. Уларнинг хулосасига қараб, ногиронлик гуруҳи белгиланади.

Шу ногирон фарзандингизга аравача олиш масаласида даволаш муассасасининг ҳулосаси билан яшаб турган жойингиздаги ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилишингизни маслаҳат берамиз. Улар сизни навбат билан аравача билан таъминлайдилар.

Узбекистон Республикаси Президентининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан Сизга моддий ёрдам кўрсатиш масаласида маҳалла қўмитасига мурожаат қилишингизни тавсия этамиз.

1994 йил 18 февралда туғилган қизим бор. Оилавий шароитим тўғрисида 1995 йил март ойидан ишга чиқдим. Менга фарзандим икки ёшга тўлгунча қараб туришлик нафақаси тўланадими?

Ҳозирда менга ушбу нафақани тўлашмаяпти. Шу тўғрими?

Мастура АЛИЕВА, Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани.

1994 йил август ойидаги Меҳнат ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган 85- сонли Низомга асосан бола икки ёшга тулгунча тўланадиган қараб туришлик нафақаси она ишга чиққанидан қатъий назар тўланади. Бундан ташқари болангиз туғилгандан бошлаб 16 ёшга тўлгунча ҳар ойлик нафақа ҳам тўланиши керак. Қизингиз 1994 йил 18 февралда туғилган экан. Демак унга 1996 йил 1 март ойигача қараб туришлик нафақаси, 16 ёшга тулгунча эса ҳар ойлик нафақа тўланади. Бу нафақа миқдори 1996 йил 1 апрелдан битта бола учун 160 сўм қилиб белгиланган.

1995 йил май ойида Ҳасан-Ҳусан фарзанд кўрдим. Уларнинг ҳар бирига 300 сўмдан суюнчи пули тўлашди. Аммо, уларга қараб туришлик нафақаси эса, битта болага тўланмоқда. Шу тўғрими?

Насиба ШОЙМУРОДОВА, Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани.

Насибахон! «Бола икки ёшга тулгунча қараб туришлик нафақаси тулаш тўғрисида»ги Низомга асосан бу нафақа 1 та болага тайинланади ва туланади. Уларга тугилганидан бошлаб 16 ёшга тулгунча туланадиган нафақа эса ҳар бирига тайинланиб тўланади. Бу нафақанинг миқдори 1996 йил 1 апрелдан бошлаб 2 нафар бола учун 320 сўм қилиб белгиланган.

Мен 1965 йилдан 1972 йилгача мактабда ўқитувчи, 1972-1979 йилгача илмий бўлим мудири ва 0,7 ставкада ўқитувчи, 1979 йилдан 1983 йилгача мактаб директори ва 0,5 ставкада ўқитувчи, 1983-1989 йилгача қишлоқ кенгаши раиси, 1989 йилдан ҳозиргача тўлиқ ставкада ўқитувчи бўлиб ишламоқдаман. 55 ёшдан пенсияга чиқишим мумкинми?

Бошқа соҳада ишласам бу давр пенсияга чиқишда инобатга олинадими?

А.УСМОНОВ, Навоий вилояти, Конимех қишлоғи.

Амалдаги пенсия қонунига асосан ўқитувчиларга ва бошқа маориф ходимларига махсус иш стажлари 25 йил бўлган тақдирда уларга қарилик пенсияси тайинлаш учун талаб қилинадиган ёшдан беш йил аввал, яъни эркакларга 55 ёшдан, аёлларга 50 ёшдан имтиёзли пенсия тайинланади. Аризангизнинг мазмунига қараганда умумий иш стажингиз 31 йил бўлиб, шундан 21 йилида ўқитувчи бўлиб ишлаган экансиз, мактаб директори вазифасида ишлаган даврингизда эса 0,5 ставкада ўқитувчи бўлиб ишлаган экансиз. Бу стажингиз имтиёзли пенсия тайинлашда инобатга олинмайди. Қонунда эса мактаб директорларига имтиёзли пенсия тайинлаш кўзда тутилмаган. 25 йиллик махсус иш стажига эга бўлмаганингиз сабабли сизга имтиёзли пенсия тайинлашнинг имконияти йўқ.

Иккинчи саволингиз бўйича шуни маълум қиламизки, агар бошқа соҳада ишласангиз ҳам албатта бу стаж умумий иш стажига қўшиб ҳисобланади.

1996 йилда пенсияга чиқаман. 36 йиллик иш стажига эгаман. Бу даврда мен бригадир, бўлим агрономи, партия қўмитасининг котиби, вилоят касаба уюшмаси раиси муовини вазифаларида ишладим. «Меҳнатда ўрнак кўрсатган» медали билан тақдирланганман. Қуйидаги саволлар билан мурожаат қилмоқчиман:

Собиқ иттифоқ даврида 25 йилдан зиёд самарали ишлаганлиги учун «Меҳнат фахрийси» медали берилар эди. Менга қандай имтиёзлар берилади?

Б.ЎРАЗАЛИЕВ, Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани Э.Исмоилов номли ширкат хўжалиги.

Хурматли Баҳриддин ака! Амалдаги пенсия қонунига асосан сизга пенсия тайинлашда пенсиянгизнинг асосий миқдорига 25 йилдан ортиқ ишлаган ҳар бир тўлиқ йил учун ўртача ойлик иш ҳақингизнинг бир фоизи миқдорида қўшимча қўшиб берилади. Қонунда «Меҳнатда урнак кўрсатган» медали учун пенсияга қўшимча бериш кўзда тутилмаган.

Сизни «Меҳнат фахрийси» медали билан тақдирлаш масаласини кўриб чиқиш яшаб турган жойингиздаги туман ҳокимияти ваколатига киради.

Мен 2-гуруҳ ногиронийман. Синглим 2 боласи билан ажрашган. Синглимга маҳалладан моддий ёрдам беришни сўраб мурожаат қилган эдик, унга 1995 йил октябрь, ноябрь, декабрь ойларида моддий ёрдам беришди. 1996 йил январь ойидан тўхтатилди. Бу орада отам касаллик туфайли вафот этиб, ҳужжат топшира олмадик. Энди янги ҳужжат тўпларлаб келинглар дейишди. Шу тўғрими? Иккинчи саволим кўёвимизнинг руҳий касаллиги тўғрисида ҳужжати бор. Биринчи хотини суд орқали алимент ундирган экан. Синглим ҳам алимент олиши мумкинми?

Турдихол ИСМОИЛОВА.

Хурматли Турдихол опа! Узбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 24 августдаги «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан кам таъминланган оилаларга кўрсатиладиган моддий ёрдам уч ой муддатга тайинланиб тўланади. Бу даврда оиланинг турмуш шароити яхшиланмаса яна уч ойга туланиши мумкин. Бунинг учун янгидан ҳужжат талаб қилинади.

Иккинчи саволингиз бўйича, яшаб турган жойингиздаги суд органларига мурожаат қилишингизни тавсия этамиз. Агар синглингиз турмуш ўртоги билан яшамаётган бўлса болалари учун алимент ундириш масаласида судга мурожаат қилиши керак. Кўёвингиз биринчи хотинига алимент тўлашидан қатъий назар синглингизга ҳам алимент тўлашга мажбур.

1996 йил - Амир Темур йили

ЎЗИ ҲАМ ОЛИМ

Олиму фузалолар аҳли донишлар ҳисобланиб, ўз даврининг етўх кишилари бўлишган. Уларда сермулоҳазалик, ўйлаб иш кўришлик кучли. Тафаккур имкониятларидан тўла фойдаланишда ҳам олимларга тенг келадигани бўлмаган. Саркарда Александр Македонскийнинг жанг ғалабалари заминида ўз даврининг машҳур донишманди, аллома Арастунинг хизматлари буюкдир. Лашкарбоши уни доим ўзи билан олиб юрар, маслаҳатисиз бирор катта ишга киришмаган. Айни вақтда мушкул, оғир шароитларда Арастунинг ақли тафаккури мураккабликларни ҳал қилган.

Олиму фузалоларда кўплаб эзгуликлар борки, буларнинг бари яхши, ҳаммаси маъқул, ундан кўпчилик манфаат кўради, элу юрт барака топади, жамият гуллайди, давлат бойийди. Донолик пешалари бўлмиш олимлар ҳукмдорлар диққат эътиборида бўлиб келган. Чунончи, Амир Темур уларнинг фикри билан ҳисоблашган. Улар билан бамаслаҳат бўлган. Франция қиролига шахсий мактуби ишониб топширилган христиан епископи Иоанн Гринло: - «У уламо ва шоирларни беҳад ҳурмат қилади, эъзозлайди, сабаби унинг ўзи ҳам олим ва донишманддир», деб ёзган эди. Замондошининг «донишманд» деб аташи жуда камдан-кам ҳолларда учрайди. Аммо ўз кўзи билан кўриб, қойил қолганидан кейин, ана шундай муносиб баҳони беради. Буюк саркарда ўзининг «Зафар йўли» китобида олиму фузалоларга муносабатини жуда аниқ, равшан ифодалаб берган. «Мен,-деганди Амир Темур,-доимо саййидларга эҳтиром билан қарардим, уламо ва шайхларни эъзозлардим. Бу кишиларни доимо мажлисларимга чақирардим. Уларнинг дин масалалари юзасидан айтганларини диққат билан тинглаб олардим ва уларга амал қилардим. Шунинг учун менга нисбатан халқнинг меҳри баланд эди ва мендан миннатдор эди». Аҳли донишларнинг фаолиятидан тафаккур меваларидан фойдаланишни бобомиз ҳам фарз, ҳам қарз деб билганлар. Уларга барча шароитлар яратилган. Чунки, олимларда зукколик, донолик, ҳислатлари жамул-жамдир. Улар ўз ақл чироқлари билан бутун оламни мунаввар этадилар. Олимлар тафаккур зиёсининг нурлари инсоният тараққиёти йўлини ёритиб келган ва ёритаверади. Ақл бовар қилмайдиган кашфиётлар улар меҳнатининг мевасидир. Зийрак бобомиз, шунинг учун ҳам уларни ардоқлаган.

Олимлар билим даражасининг ниҳоятда кенглигига ҳеч ким шубҳа билдирмайди. У ёки бу фаннинг сир-асрорларини очиш учун олимлар нафақат катта билим эгаси, балки сермушоҳадаликни, дунёқараши атрофлича бўлишликни тақозо этади. Аммо олимнинг олимлигини фақат унинг қай даражада билимлиги белгиламайди, аксинча, ана шу билими халқига, ватанига қандай фойда келтираётгани билан белгиланади.

«Кўп билган эмас,-деб ёзган эди антик даврда мутафаккирларидан Эсхил, - билими манфаат келтирувчигина донодир». Дарҳақиқат, олимлар фан тараққийсига эътиборни қаратиб, кашфиётлари билан давлатга катта фойда келтирадилар. Ақл заковат эгалари ҳисобланган олимларнинг вазифалари шу билан чегараланмайди. Балки ана шу билимини, тажрибасини, маънавий бойликларини шогирдларига берадилар. Уларни ўзларининг ўринбосарлари қилиб тайёрлайдилар. Бундан ташқари олимлар ўзларидаги ижодий билимини халқи, ватани манфаатларига хизмат қилдириб, хайрли ишни амалга оширадилар.

«Зар қадрини заргар билади» деганларидек, Темур бобомиз олимларнинг қадрига етган. Уларни авайлаб асраган. Епископ Иоанн Гринлонинг таъкидлашича, Амир Темур «Илму қуръон ва фиқҳда шунчалик забардастки, ҳеч қандай мусулмон олими у билан бу мавзуда беллаша олмайди». Ҳа, Амир Темур нафақат олиму фузалоларни эъзозлаган, балки ўзи ҳам катта олим бўлган.

Мусокул УСМОНОВ, Тошкент молия институти «Тарих» кафедрасининг мудири, профессор.

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 290-мактабни кўпмиллатли, байналминал даргоҳлардан деб ҳисоблашади. Бу бежиз эмас, албатта. Мактабда узбек, қозоқ, рус, корейс болалар таълим олиши билан бирга, улар Сеул, Олма-ота шаҳарларидаги тенгдошлари билан ҳам дўстона муносабатлар ўрнатишган.

У.УСМОНОВ сурати.

БУЮК СОҲИБҚИРОН ЖИЗЗАХДА

Ўзбекистон телевиденисининг ижодий ходимлари Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» шеърий драмаси асосида беш қисмли «Амир Темур» номли бадиий видеофильмни яратишга киришдилар.

Фильм Жиззах вилоятининг гўзал манзаралари фонида яратилмоқда. Фильмнинг асосий қисми Фориш туманида олинмоқда. Бу хайрли ишда 60 нафар ижодий гуруҳ қатнашмоқда. Фильмда Амир Темур ролини Муҳаммад Рафиқов ижро этмоқда. Фильм сценарийсини Эркин Неъматов ёзган. Илмий ва адабий маслаҳатчи машҳур археолог, тарих фанлари номзоди Амриддин Бердимуродовдир.

Тасвирчилар гуруҳи Жиззах вилоятидан кейин Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро шаҳарларида ҳам бўлишади ҳамда буюк соҳибқирон ва давлат арбобининг фаолияти билан боғлиқ жойларни суратга оладилар. Фильм республика «ойнаи жаҳон»ида Узбекистонимиз мустақиллигининг 5 йиллиги кунларида намойиш қилиниши мўлжалланмоқда.

Э. АЛИБОЕВ, «Ишонч» мухбири.

Маданият мирасасаларида

ЗАВОД ТЕАТРИ

Республикамиз маданият масканларида шундай театрлар борки, улар ранг-баранг саҳна асарлари билан ишқибозлар олқишларига сазовор бўлмоқдалар. Навоий вилояти кон металлургия заводининг «Фарҳод» маданият саройидаги ҳаваскорлик театри ана шундайлардан бири. Ижодий жамоа Исфандиёрнинг «Отасининг қизи» спектакли билан кўпчиликнинг эътиборини тортди. Асардаги қувноқ саҳналар, ҳазилга қурилган воқеалар асносида ёнган ҳаёт ҳақиқати, муҳаббат ва поклик ҳаваскорлар талқинида ўз аксини топган. Мазкур саҳна томошаси вилоят туманларида, шаҳар маданият масканларида бир неча бир томошабинларга ҳавола этилди. Қўшни Бухоро вилояти меҳнаткашлари ҳам бундан баҳраманд бўлдилар. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Ким тўғри» драмаси ҳам эл оғзига тушди. Театр ташкилотчиларидан бўлган, режиссёр Ҳудойназар Аҳадов саҳналаштирган бу спектакларда муаллифлар фикрига содиқ қолган, воқеаларнинг мазмунига монанд саҳна ҳаракатлари, асар қаҳрамонларининг ички кечинмалари тўла очиб берилган ҳолда гадаланиришлари билан ўта томошабоп бўлди.

Ўткир Ҳошимовнинг «Баланд дорга осилма» комедияси эса театрнинг шуҳратига шуҳрат қўшди. Мазкур саҳна асари билан ижодий жамоа Андижон, Фарғона вилоятларида сафарда бўлдилар.

Вилоятда ўтказилган Алишер Навоий таваллуди кунларига бағишлаб «Навоий ҳаёти ҳақидаги асарлар танлови»да ҳам театр ижодий жамоаси Ҳайдар Муҳаммаднинг «Навоийнинг бир куни» асари асосидаги спектакл билан қатнашиб, биринчи ўринни олишга муваффақ бўлдилар. Бу спектакл билан жамоа кейинчалик республика танловида ҳам иштирок этиб нуфузли ўринни олди. Бу эса ижодий гуруҳнинг ҳар бир асарни мукаммал, катта маҳорат билан саҳнага олиб чиқишидан далолатдир. «Масхарабоз-90» республика кўрик-танловида «Кулгига нима етсин» театрлаштирилган томошаси ҳам томошабинлар ва ҳакамлар ҳайратининг юқори баҳосига сазовор бўлди. 1992 йилда пойтахтда ўтказилган «Республика халқ ҳаваскорлик театрларининг кўрик-танлови»да Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Ким тўғри» спектакли билан иштирок этиб биринчи ўринни олишга муваффақ бўлди.

Театрнинг Сайёра Азимова, Соҳибжон Ҳасанов, Комила Қаршиева, Примжон Ишмонов, Эркиной Бобоёрова, Алишер Темиров, Жўрабек Кенжаев каби иштирокчилари ҳар бир образни юксак маҳорат билан ижро этиб, театр шуҳратига шуҳрат қўшишмоқда. Ижодий жамоа доимо изланишда, турли спектакллар, томошалар билан шинавандаларга бир олам завқ улашиб келмоқдалар. Ижодий гуруҳнинг ҳар бир қатнашчиси театр санъатини, саҳна ҳаракатлари, ижрочилик ва нутқ маданияти мутахассисларидан мунтазам маслаҳат олаётир. Режиссёр Ҳудойназар Аҳадов «Турфа ҳангомалар» томошасини саҳналаштирди. Замонавий муаллифларнинг интермедия, ҳангома, ҳажвиялари орқали мустақилликни англаб етмаган кимсалар кулгига олинади. Тарих ғилдирагини орқага айлантириш мумкин эмаслиги ишонарли тарзда мухлисларга етказиб берилган.

С. СИРОЖИДДИНОВ.

Истеъмолчи манфаати - муқаддас

ҲАР НОНЛАРКИ...

Бу оламда ҳамма нарсанинг меъёри бор. Меъёр бузилса, кимдир албатта ё жабр, ёки зарар кўради. Кўхна ва азим шаҳар Самарқанд хушталъм, турфа нонлари билан машҳур. Бу азим шаҳарга келган ҳар бир киши албатта хушбўй, бўрсилдоқ нондан ҳарид қилар эди. Аммо баъзи нон ёниш бирлашмаларида нонинг сифатига беэътибор иш юритилиш ҳоллари содир этилмоқда.

Самарқанд туманидаги «Суҳроб» ишлаб чиқариш акционерлик жамиятига қарашли бир қанча қолипли булка нон тайёрлайдиган цехлар Самарқанд шаҳри ҳудудида жойлашган. Улардан бири Рудакий кўчасидаги 66-цехдир. Унинг ишлашига тегишли ваколатли ташкилотлар рухсатнома берган. Ҳамма ҳужжатлар жойида. Нон тайёрлаш рецептуралари ва ГОСТ йўриқномалари ҳам бор. Лекин цех битта ҳонадан иборат. Тандир, печлар, ювиш воситалари, захира ун- ҳаммаси бир жойда. Кийим алмаштириш, дам олиш, ҳатто тайёр нонни сотиш ҳам шу ерда амалга оширилади. Текшириш вақтида цех тозалиқ талабларига мутлақо жавоб бермасди. Цех мудири Иброҳим Қаюмов бизнинг ҳақли саволларимизни жавобсиз қолдирди.

«Суҳроб» ишлаб чиқариш акционерлик жамиятига қарашли, Самарқанд шаҳрининг Акмал Иқромов кўчасида жойлашган иккита цехда ҳам санитария талаблари бажарилмаган. Қаҳрамон Набиев бошлиқ 48-цехда вентелация йўқ. Уста К.Набиев навбатдаги тиббий кўрикдан ўтмаган. У бизга нон тайёрлашга доир рецептурани ва ГОСТ йўриқномасини, Самарқанд вилоят дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш акционерлик жамияти руҳсатномасини кўрсата олмади. Шундан сўнг цехда тайёрланаётган нон вазни билан қизиқдик. Ўлчанган нонларнинг ўртача вазни 525 грамм чиқди. Энди ҳисоблаб кўринг: Цехда бир кунда камида 300 та нон пишириларкан. Ҳар бир нондан тежаб қолинган граммлар ҳисобига 450 сум ноқонуний даромад қилинаркан. Бошқача айтганда, харидорлар ҳақидан қиши билмас тарзда уриб қолинмоқда. Бундан ташқари цехда тайёрланган нонни кўчада сотишга рухсат берилмаган. Ҳолбуки, цех маҳсулотини балоғатга етмаган Шуҳрат Ҳалимов кўчада (битта нон 13 сум) сотаётган эди. Энг ажабланарлиси, цехда нон тайёрлашда уннинг бир неча навларидан аралаштирилиб ишлатилмоқда.

Хусусий корхоналар тармоғининг ривожланиши ҳалол рақобатни вужудга келтириб, бозорда сифатли маҳсулотни кўпайтиришдан умидвормиз. Ҳукуматимиз ҳам айни ана шу мақсадда тадбиркорларни қуллаб-қувватламоқда. Лекин бу ишончни суистеъмол қилаётган манфаатпараст шахслар билан асло муроса қилиб бўлмайди.

Самарқанд шаҳри кўчаларининг деярли ҳар бир муюлишида булка нон билан савдо қилаётган кишиларни, айниқса балоғат ёшига етмаган ўсмир ва қизларни кўплаб учратиш мумкин. Шаҳар санитария-эпидемиология станцияси тозалиқ талабларини бажариш, касалликларнинг олдини олиш нуқтаи назаридан улар фаолиятини таъқиқлаб қўйган. Аммо ҳанузгача узил-кесил чек қўйилмаяпти.

Шаҳарнинг Сартепа даҳасида шунга ўхшаш бир қанча ҳолларга дуч келдик. Балоғатга етмаган бу сотувчиларнинг қўлида ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Айтишларича, уларга нонни номаълум кишилар келтириб беришаркан. Вазни белгиланган меъёрдан анча кам (600 гр урнига 450-470 гр) нархи 12-13 сум булган бу нонлар қаерда пиширилганлиги сирлигича қолаверади.

Йўлимизда давом этдик. Навоий ва Гагарин кўчадари чорраҳасида булка нон сотаётган Равшан Аҳмедов ва Лидия Шоматоваларни учратдик. Олий навли ундан тайёрланган бу нонларнинг ўртача вазни 450 грамм, нархи 13 сум. Оддий харидорга бу арзон туюлиши мумкин. Чунки нонинг кўрки кўринишида, ҳажми аъло даражада. Лекин бизга ҳамроҳ бўлган юқори малакали мутахассис М. Кошкинанинг таъкидлашича, бу нонлар чала пишган, намлиги юқори. Агар шу ҳолича яхшироқ пиширилса, вазни янада енгиллашади. Қисқаси бу нонларнинг ҳар бири ҳисобига харидор ҳақидан тахминан 2-2,5 сум уриб қолинмоқда. Равшан Аҳмедов Фролов кўчасидаги нон цехи билан тузилган шартномани кўрсатди. Лидия Шоматова шартнома тузган цех «Братство» уюшмасига қарашли экан. Лекин биз кўрсатилган манзиллардан на у цехни, на бу цехни топа олдик.

Хуллас, тегишли рухсатномасиз, шартномасиз, тиббий кўрикдан ўтмай ишлаш, санитария қоидаларини бузиш, технологик талабларни бажармаслик, ниқобланган тарзда харидор ҳақидан уриб қолиш ва шу орқали ҳақиқий даромадни яшириш жиддий таҳлилга асос бўла олади. Бу - бир. Иккинчидан, яширилган да

Ижод бўстони

ОНА ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Рўзи ҚОДИРИЙ

I

Она туфайли бу олам муқаддас,
Муътабар, табаррук, меҳрга муштоқ!
Она шарофати — биз олган нафас
Она қалби каби оташин, қайноқ!
Меҳр оғушида асраб, авайлаб, —
Устирган, куч берган, эй, оловкорим!
Юрак алангасин қатига ураб,
Бахт чўғин ғурлаттан, эй, яловдорим!
Сендан улуғроқ зот борми оламда,
Пойинтта бошини қўймас қайси жон!
Қалбнинг ҳарорати бордир ҳар дамда,
Умрини ўзинтга боғлаган жаҳон.
Қўёшга баробар меҳринг оташи,
Руҳинг томирларда оқар қон бўлиб.
Сендан туғилибман, тулибман тошиб,
О, офтоб тобидан битган жон бўлиб.

II

Бир-бир варақладим инсон тарихин,
Учради ҳар бекатда она дафъатан.
У тутмиш бисотин, ҳаёт шаробин,
Яшаш дебочасин у бошлар зотан.
Бу ажиб мантиқу ажиб ҳодиса,
Башар камолатин жонида она.
Яхшилик тилайди ҳар бир дақиқа,
Сингмиш инсоният қонига она.
Ҳаёт уйғонишин муқаддимаси
Баҳор нафасидан яралгансимон.
Қўркамлик келтирган кўкламнинг иси
Чаман дудоғидан таралгансимон.
Онадан бошланар ҳаёт қадами,
Навбаҳор тонгидан эса нафосат.
Кўраман ниҳолда онанинг дамин,
Бу ўзгармас қонун ҳикмат, каромат!

III

Хоҳ аввал, хоҳ ҳозир туғилганда қиз,
Баъзан хонадонда шодлик бўлар кам.
Ота қовоғидан ёғар қору муз,
Она ҳижолатда киприк қилар нам.
Шунча юза қарар ҳаётга, ҳайҳот,
Меҳрибон она-ку, қиз оқибати!
Ўғилдан қиз қадри паст бўлса, наҳот,
Нечук бўлар унда она қисмати?!
Оила таянчи, фахри эмасми?
Дунёга кўз очган ўғил ҳам, қиз ҳам!
Ҳаёт учоғи она меҳри эмасми?
Шу меҳр қўридан яшарар олам!
Тан бермиш коинот, қолмиш лол-ҳайрон,
Онанинг қалбига, меҳрин кучига!
Фазо кезди унинг ишқида инсон, —
Одим боса олди юлдуз ичига!

Бизга шу онадан мерос эзгулик,
Жаҳондаги бўтқул мардлик, яхшилик!
Башариятдаги сўнгсиз сахийлик
Унинг муҳаббати янглиг мангулик!
Унинг юрагидек кенгу оловдор;
Унинг армонидек сўнмас, бегубор!
Унинг тилагидай учқур, мусаффо,
Сайёрамиздаги башар навоси.
Она фармонидек беради садо,
Бу садо абадий, йўқдир адоси!
Илоҳий қисмат бу, Раббим амридан,
Муқаддас яралган эмасму она!?
Сўнмас инсон чўғи унинг меҳридан,
Айтинг, ундан улуғ қай зот бор яна!

IV

Дунё таваллуди эмасму асли,
Буюклар туғилган қутлуғ таваллуд!
Шундан бошланади оқиллар насли,
Такомиллашади тарбия, ўгит!
Она туғмаса, эҳ... Қайдан келарди —
Жаноби Пайғамбар — буюк Муҳаммад?!
Динсиз, имонсизлар тахти қулади,
Имон ҳокимлашди абадул абад!
Соҳибқиронни ҳам туғдилар она,
Унга: — Балли! — деди чўнг-кичик жонзот!
Фарзанд дея меҳрин тўқдилар она,
Олқишла бордилар софдил одамзот!
Она фарзандиқу, Беруний устод,
Маҳмуд Қошғарий-ла Юсуф Хос Ҳожиб.
Хоразмий ва Сино бўтқул тилда ёд,
Онага бош эгмоқ ҳам фарз, ҳам вожиб!
Навойи қайдан топарди дунё
Бўлмаса шу она, туғмаса агар!
Қайдан улғаярди даҳою зиё,
Оналар парвариш қилмаса магар!
Бобур бўлармиди она бўлмаса,
Қайдан бўларди бу фахру ифтихор!
Насабу наслимиз улғаярмиди
Онага занжирбанд илдизлари бор!
Айтинг, бўлармиди Фирдавсий, Саъдий,
Ғиёс Қошғарийдек тенгсиз кимёгар!
Муҳандис Умар ҳам минг йилки тилда,
Улуғбекка ҳам бош эгмоқда жаҳон.
Оналар ҳақига ўқийди дуо,
Она нелигин ҳис этмоқда инсон!
Маънан раҳнамодир, туғдордир даҳо,
Даҳода онанинг қиммати аён!
Демак шу онанинг шарафига хос,
Ҳаёт ҳам, ҳаётнинг давомлиги ҳам!
Эътиқоду имон ушанга асос,
Она қалбига эш Наврузи олам!

Мамлакатлар, одамлар, одатлар

ОЙНАНГИЗ СИНДИРИЛСА, АЖАБЛАНМАНГ

Немислардаги озодалик, саранжом-саришталик тилларга тушган. Тозаликка чорловчи одатлар ҳам кўп экан. Жумладан, сиз бирор жойда, дейлик дўкон деразаси ёки автомобил ойнасида кир, чанг қуриб қолсангиз, уларни бемалол уриб синдиришингиз мумкин. Бу гапни айта туриб ҳамбурглик муҳандис Ғолф Шнайдер афтидан шунчаки ҳазил қилолмайди.

— Нима учун?

— Бизда ўрта асрлардаёқ, муҳим қонун-қоидалар юзага келган: тартиб-интизом, саранжом-саришталик, озодалик ҳамма нарсадан устун. Бу қоидаларни бузганлар қадимда ҳам, ҳозир ҳам ҳар қандай ёзилган ва ёзилмаган қонунлар билан жазоланиши муқаррар. Агар бизнинг мамлакатимизга бир неча марта ташриф буюрган бўлсангиз, балки эътибор қилгандирсиз, ҳозирги пайтда ҳам кичик шаҳарларда аёллар қўлларида совун, чўтка билан уйлари олдидаги қайроқ тош ётқизилган йўлкаларни ювишади. Бу жуда қадимдан келаётган анъанадир.

ҚОИДАГА РИОЯ ҚАТЪИЙ

Ҳақиқатан ҳам немислар тартибнинг сақланишига ғоят катта эътибор билан қарашади. Бу ҳол айниқса, кўча ҳаракати қоидаларига риоя қилишда дарҳол кўзга ташланади. Кўчанинг пиёдалар кесиб ўтадиган жойида, узоқ масофада ҳам кўринмаётган автомобилга йўл бериб, қизил чироқ ёниб турганлиги сабабли, кўк чироқ ёнишини кутиб, сабр қилиб туришади. Ҳеч бир немис, ҳеч қачон қизил чироқда йўлни кесиб ўтмайди.

Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушди. Бу Тошкентда бўлган эди. Олмониядан Эрхардт ва Ютта Хезе оиласи билан хонадонимизга меҳмон бўлиб келишган эди. Немис меҳмонлар билан бирга шаҳарни сайр қилдик. Пойтахт марказидаги, «Узбекистон» меҳмонхонаси томон ўтиш жойида қизиқ воқеа рўй берди. Ёнимиздаги пиёдалар автомобил йўқлигидан фойдаланиб, гар қизил чироқ ёниб турган бўлса-да, ҳеч иккиланмай, бемалол кўчани кесиб ўтавердилар. Биз эса, гўё Олмониядагидек, кўк чироқ ёнишини пойлаб туравердик, ниҳоят кўк чироқ ёниши билан кўчани кесиб ўта бошладик. Шу пайт катта тезликда келаётган автомобил немис меҳмонларни уриб кетишига сал қолди. Шунда меҳмон Ютта хоним ўзини тута олмай, хохолаб кулиб деди: «Қизиқ, Сизларда кўп ҳолларда қонун-қоидаларнинг тескариси қилинар экан. Боя «Буратино»қаҳвахонасида «Чекилмасин» деган ёзув остида худди атайлаб қилгандек, бир хоним сигарета тутатиб ўтирди. Мана энди, ҳамма қизил чироқда кўчани бемалол кесиб ўтаверди. Кўк чироқда ўтган биз бечоралар автомашина тагида қолишимизга бир баҳя қолди!»

Яна бошқа бир воқеа. Бу Олмониянда бўлган эди. Енгил машинада Берлин кўчалари бўйлаб бораётган эдик. Шу пайт бир автомобил йўл қоидасини бузган ҳолда, олдимизга ўтиб олди. Автомобилимизни бошқариб бораётган немис дўстимиз жаноб Эрхардт дарҳол ушбу «қоидабузар»нинг машина номери, вақт ва жойини ёзиб олди. Манзилимизга етгач, бунинг сабабини тушунтириб берди. У хонадонида туриб, йўл ҳаракати бошқаруви ходимларига қўнғироқ қилиб, воқеадан хабардор қилар экан. Йўл назорати ходимлари компьютер машиналари ёрдамида автомашина кимга тегишли эканлигини аниқлаб, хоҳ ишда, хоҳ уйида бўлмасин тезда топиб, «даъвогар» билан «жавобгар»ни телефон орқали «учраштириб» қўяр экан.

Аксарият ҳолларда «жавобгар» ўз айбини мардона бўйнига олиб, буни ўз вақтида лоқайд бўлмай сезгирлик билан пайқаб, огоҳлантирилган жанобга миннатдорчилик изҳор этар ва кейин қоидани бузмасликка сўз берар экан. Ҳа, барча шоферлар жамоатчи-назоратчи ҳисобланиб, ҳар доим бир-бирларини, айниқса қоидабузарларни ўзлари тартибга чақириб турар эканлар. Чунки ҳеч бир немис ўз ёнверидаги воқеа-ҳодисаларга ҳеч қачон бефарқ, лоқайд, эътиборсизлик билан қарамайди-да!

Бугунги кунга келиб, тартиб-интизом, саранжом-саришталик немисларнинг миллий табиатига, онг-руҳига буткул сингиб, кундалик одатга айланиб кетган?

СЕРТАКАЛЛУФЛИК

Узига мурожаат маъносида одамнинг назарига кўзи тушганда, ҳақиқий немис лоқайд қолмайди, ёки кўзини «лўқ қилиб (бизда гоҳ шундай ҳолга дуч келамиз) қараб турмайди. Аксинча, бундай дамда, одатга кўра, бир хил такаллуф билан: «Сиз нимадир сўрамоқчисиз, шекилли? — дейилади.

Тиқилинч пайтда бировни туртиш, ёки қовурғасини синаб кўриш, немиснинг ҳатто, ҳаёлига келмайди. Ички бир туйғу билан Сизнинг олдинроққа ўтиб олгингиз келаётганини сезиб, дарҳол йўл беради. Сизни утказиб юборади. Бу борада мен меҳмонларни, турли хизмат кўрсатувчи муассасалару, дўконлардаги сертакаллуф муомалалар ҳақида гапириб ўтирмайман: бундай жойлардаги мулозаматли муомала-муносабатлар серпул харидорларни бегона қилиб қўймаслик учунгина заруратдан қилинади, дейиш нотўғридир. Чунки каттаю-кичик дўконларда, вокзалу аэропортларда, аҳолига хизмат кўрсатиш ташкилотларида — барча ерда ҳамма хизматлар — ҳар бир инсоннинг насл-насаби ёки амалига боғлиқ бўлмаган ҳолда катта ҳурмат билан амалга оширилади. Ҳа, худди шундай — барча хизматлар йўловчилар ёки харидорлар мушкулини енгиллаштиришга қаратилган.

Ғани ҳожи МАҲМУД.

ҲАР ЎЙИНДА БИР ЎЗГАРИШ

Олий лига футбол жамоаларининг мамлакат чемпионати ўйинлари тобора қизғин ва муросасиз тус олмоқда.

Маълумки, олтинчи тур ўйинларидан кейин «Нефтчи» футболчилари ягона пешқадам бўлиб олишган эди. Еттинчи тур учрашувлари эса ўйинларида яна ўзгариш ясади. Боиси, «Нефтчи» сафарда «Дустлик» билан учрашиб (2:2), ўз ҳисобига битта очко қўшди. Навбаҳорчилар эса аксинча, уз майдонларида Урганч динамочиларини қабул қилиб, дарвозага иккита жавобсиз тўп киритиш билан очколарини 17 тага етказган ҳолда пешқадам бўлиб олишди. «Трактор» футболчилари ҳам сафарда Самарқанд динамочиларидан (1:0) учта очко олиб, мавқеларини мустаҳкамладилар. Ҳозир «Нефтчи» ҳисобида 16 та, МХСК ва «Трактор» жамоаларида 13 тадан очко бор. Навбатдаги турнинг қолган учрашувлари кеча бўлиб ўтди.

ҒОЛИБЛАРГА ДОЛЛАР БЕРИЛАДИ

Атлант шаҳрида бошланадиган ёзги олимпиада ўйинларининг тантанали очилишига саноқли кунлар қолмоқда.

Биринчи марта мустақил равишда терма жамоа бўлиб юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилишга шайланаётган олимпиадачиларимизга катта умид боғланмоқда. Вакилларимизнинг эришган муваффақиятларига қараб моддий ва маънавий рағбатлантириш йўллари ҳақида изланилмоқда. Хусусан, Узбекистон жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитаси олимпиада совриндорларини моддий рағбатлантиришга қарор қилди. Жумладан, биринчи ўринни олган олимпиадачига 30 минг доллар берилса, 2-6 ўринларни эгаллаган спортчилар тегишинча 15,10,5,3,2 минг доллар билан тақдирланади. Шунингдек, кучли ўнликдан жой олган спортчилар ҳамда мураббийлар ҳам эсдалик совғалари ва қимматбаҳо мукофотлар билан сийланади.

Мирзо АНВАР.

«ЗАФАР» — БИРИНЧИ ЛИГАДА

Зафаробод туманидаги «Зафар» командаси утган йили вилоят чемпиони бўлиб, 1996 йилги Узбекистон футболининг биринчи лига ўйинларида қатнашиш имтиёзини қўлга киритган эди. Жамоага тажрибали футболчи Нормурод Аҳмедов тренерлик қилмоқда.

— Командамиз Хива шаҳридаги мини футбол ўйинларида қатнашиб республика бўйича фахрли учинчи ўринни олган эди, — дейди бош тренер Нормурод Аҳмедов. — Ҳозир жамоамизда 20 нафар футболчи бўлиб, туман ва вилоят шарафини қаттиқ ҳимоя қилмоқда.

Бу йил биринчи лига республика чемпионатининг ўйинларида 50 марта — биринчи босқичида 25 марта, иккинчи босқичида 25 марта футбол ўйинлари бўлади. Биз шу кунгача Қибрайдаги «Роҳат», Ғазалкентдаги «Кимёгар», Гулистондаги «Гулистон» командалари билан учрашиб ўз командамиз кучларини синовдан ўтказдик. Футболчиларимиз куч ва тажриба тўпладилар, тўп суриш маҳоратларини оширишга эришдилар. Футбол ўйинларида, хусусан, ҳар бир учрашувда Алишер Мусурмонов, Дилмурод Ҳасанов, Ҳайдар Ярашев, Акром Йўлдошевлар маҳорат ва жонбозлик кўрсатиб команда шарафини қаттиқ ҳимоя этмоқдалар.

«Зафар» футбол клуби бошлиги Баҳодир Ҳайитовнинг айтишича, туманда спорт ишларини, хусусан футболни ривожлантиришга туман ҳокими Собиржон Абдусатторов катта ҳисса қўшмоқда. У ҳамма ўйинларда иштирок этиб ютуқ ва камчиликларни кузатиб бормоқда, футболчилар ишига юқори баҳо бермоқда. Ўйинчилар ўртасида яхши интизом мавжуд.

Туманда «Зафар»нинг дублёр командаси ҳам мавжуд. У вилоят туманларидаги футбол командалари билан кўч синашиб, маҳоратларини ошириб келаяпти. Зафаробод туман ҳокимлиги «Зафар» командаси дублёрчиларига ҳам керагича шарт-шароитлар яратиб берган.

«ИШОНЧ» мухбири.

Ислоҳотлар чорраҳаларида

ҲАМКОРЛИКДА ГАП КЎП...

Республикамизда ислоҳотларнинг шиддат билан амалга оширилаётгани кундалик ҳодиса бўлиб қолди. Кечагина бундай туб бурилишларнинг кечишига ишончсизлик билан қараган айрим ҳамюртларимиз узоқ ва яқиндаги мамлакатлар ҳам эндиликда бу жараёнга ҳаётий ҳодиса сифатида қарамоқдалар. Кейинги йилларда кўплаб корхоналар ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Уларнинг номигина ўзгариб қолмасдан балки иш фаолиятини ташкиллаштириш ҳам кескин ўзгарди. Ҳозирги ҳикоямиз ана шундай жамиятларнинг бири ҳақида...

«ҚАЛҚОН-АЗ» Ўзбекистон транспорт-суғурта брокерлик фирмаси ҳиссадорлик жамиятининг ташкил этилганига ончалик кўп вақт бўлгани йўқ. Жамият бошқаруви раиси Ринат ака ГАЛЛЯМОВ ташкилий ишлар билан боғлиқ бўлган ҳам қийин, шу билан бирга аниқ мақсад учун йўналтирилган у кунлар ташвишларини жуда яхши эслайди.

— Ринат Жаводович, сиз ҳозирда машғул бўлган автомобиль воситаларни етказиб бериш ва уларга техник хизматини кўрсатишни уштиришга доир масалалар бугунги бозор муносабатлари жараёнида анчагина мураккаб. Сир эмас, республикамиз транспорт воситаларини етказиб берувчиларга кўп миқдорда хизмат ҳақи тўлайди, шу билан бирга ўзимизнинг ички имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланаолмаяпмиз. Бу аҳволни қисман бўлса ҳам ўнглаштиришга Сизнинг фирмангиз қодирми?

— Айрим алоҳида олинган корхона республикамизга энг зарур бўлган, энг муҳим арзон ва сифатли транспорт воситаси билан таъминлаш қудратига эга эмас. Лекин ҳар биримиз ушбу ташвишларнинг бирон бир қисмини енгиллаштиришнинг йўл-йўрқиларини ўз зиммамизга олсак, шунга доир сидқидилдан ҳалол фаолият олиб борсак, бу масалаларни ҳал қилиш мумкин. Шунинг учун ҳам биз — «Қалқон-АЗ» фирмаси халқаро йўналишда автомобиллар етказиб бериш ва уларни суғурталашни ўз зиммамизга олдик. Бу соҳада кўп ижодий ишларни амалга ошириш мумкин.

Ҳозирнинг ўзида анчагина эътборли ва рақобатбардош ўз мижозларимизга эгамиз. Улар ўз фаолиятлари билан республикамиз бойлигига бойлик қўшмоқдалар. Бу билан биз ниҳоятда фахрланамиз. Чунки хорижий мижозларнинг «кўнглини» олиш мураккаб, улар ишончли ва лаёқатли ҳамкорликни ёқтирадилар. Уларнинг ишончларини қозониш осон бўлмади. Битта мисол. Кўпгина хужаликлар, ташкилотлар, алоҳида фуқаролар автомобиль ойналарини топишга қийналадилар. Биз Россиядаги Боровский ойна заводи билан боғландик, улар пешма-пеш автомобиль ойналарини етказиб бера бошлади. Бугуни кунда биз хоҳлаган киши ёки ташкилотга зарур бўлган автомобиль ойналарини етказиб беришимиз мумкин.

— Энди халқаро йўналишдаги алоқаларингиз ва улар қай йўсинда ҳал этилаётгани ҳақида тўхталсангиз...

— Бу борада ҳам ишончли ва кафолатланган ҳамкорликни йўлга қўймоқдамиз. Яқин ва узоқдаги хорижий мамлакатлар билан уларнинг бизнинг соҳамизга яқин бўлган фирмалари билан қисқа муддатларда узаро манфаатдорлик алоқаларини ўрнатдик. Юқорида Россиядаги автомобиль ойналарини тайёрлаш заводи билан бўлган ҳамкорлигимиз ҳақида гапирган эдим. Бугунги кунда биз узоқ Тайвандан нафақат автомобиль тармоғи учун, балки республикамиз саноати тармоқлари учун энг зарур бўлган бошқа асбоб-ускуналари ҳам етказиб келтиришни йўлга қўйдик. Ҳозирда эса, Голландиядан катта ҳажмда юк ташиш қувватига эга бўлган қайтадан тўлиқ таъмирлашдан чиқарилган автомобилларни етказиб келишни йўлга қўйдик.

—Шу масалага кенгроқ тўхталсангиз. Голландиядан келтирилаётган машиналар арзон бўлиб, кейинчалик унинг тезда ишдан чиқишининг гувоҳи бўлмаймизми?

— Бундай шубҳага ҳеч қандай ўрин йўқ. Фойдаланишга доир бўлган Ғарб мамлакатлари стандартлари бизнинг стандартларимиздан батамом фарқ қилади. Улар деярли янги машинани ҳам ҳисобдан чиқаришлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Агар уларнинг ишдан чиққан ёки емирилган айрим қисмлари ва деталлари алмаштирилса, улардан кўп йиллар мобайнида унумли фойдаланиш мумкин. Узингиз ўйлаб кўринг, юк ташишга мулжалланган янги ҳолатдаги «Мерседес-Бенц» русумидаги автомобиль жаҳон бозорида 250 минг АҚШ доллари ҳисобида туради. Энди Сиз айтган, шубҳа билдирган Голландия фирмасидан қайта тўлиқ таъмирлашдан чиқарилган худда шу русумдаги янги транспорт воситалари учун фойдаланиш ва кафолатланишига доир берилган муддатлар доирасида мамлакатимизга етказиб берилса, бунинг нимаси ёмон? Бунинг устига унинг баҳоси атиги 60 минг АҚШ долларини ташкил этса...

Бизнинг Голландиядаги шерикларимиз ҳақида бир-икки оғиз сўз. Бу фирма 40 йилдан буён ушбу мамлакатда фаолият кўрсатаётган оилавий фирма ҳисобланади. Мазкур фирма энг кучли ишлаб чиқариш асосига эга. Бутун дунёда ишлаб чиқарилаётган турли русумдаги автомобиллар ана шу фирмада узининг иккинчи умрини бошлайди. Чунки «хизматдан» чиқарилган машиналар бу фирмага келтирилган кейин шубҳа туғдирган ҳар бир детал ва қисмлар алмаштирилади. Уларни аниқлаш учун диагностика ва синовдан ўтказиш стендлари мавжуд. Ҳар бир қайта таъмирлашдан чиқарилган автомашинани қиёмига етказилган даражадаги синовдан ўтказиш учун моҳир ҳайдовчилар ишга жалб қилинган. Синов жараёни натижалари жаҳон талаблари меъёрларига, жавоб бермагунича мазкур транспорт воситасининг четга сотилиши қатъиян ман этилади. Чунки фирма фақат узи қайта таъмирлаб чиқарган машиналарнинг хорижга чиқарилишидан манфаатдордир.

— Кўпгина фойдаланувчи шериклар ўзлари харид қилган автомобилларга эҳтиёт қисмларнинг топилмаётганидан нолишади...

— Бу муаммо ҳам ўйлаб қўйилган. Бизга етказиб келинаётган техник воситаси билан биргаликда унинг учун энг зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ҳам олиб келинади. Бундан ташқари биз хориждан етказиб бераётган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш учун манфаатдор бўлган ташкилотлар мавжуд. Улар бундай хизматларни тез кунларда амалга ошириш истакларини билдирмоқдалар. Биз ҳамма ҳолатларни эътиборга олганмиз. Биз билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган мижозлар ҳеч қачон пушаймон бўлмайдилар. Тадбиркорлар бизларнинг энг керакли ҳамкорларимиздир.

Бу ишларни амалга оширишнинг ўзи бўлмайди. Лекин биз ўз йўлимизни топдик. Йўллар очилди. Эндиликдаги вазифамиз бу йўлдан оғишмай, мағрурланмасдан ушбу бошлаган фаолиятимизнинг яна ҳам янги қирралари очиб, олга интилишимиз қолди. Ҳозирги берилган имконият фақат шунга чорлайди...

Суҳбатдош: В. ГЛАДИЛОВ.

ҲАМКОРЛАР БИР-БИРЛАРИНИ ҚИДИРИБ ТОПАДИ

«ҚАЛҚОН-АЗ»

Ўзбекистон транспорт-суғурта брокерлик фирмаси Ҳиссадорлик жамияти

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

АО «QALQON-AZ» AJ

СУҒУРТА ҚИЛАДИ

VAN VLIET TRUCKS HOLLAND B.V.

Бутун дунёга донғи кетган DAF, IVECO, MAN, MERCEDES-BENZ, SCANIA ва бошқа фирмаларнинг турли русумдаги катта ҳажмда юк ташувчи машиналарни, енгил ва махсуслаштирилган автомобилларни, автобус ва микроавтобусларни, қишлоқ хўжалигига оид техника ва йўл қурилиши машиналарини, шунингдек, бошқа транспорт воситаларини етказиб беришни ташкиллаштиради.

Юқорида санаб ўтилган барча автомобиль турлари ва техника воситалари Голландиянинг Van Vliet TRUCKS Holland B.Y. фирмаси томонидан реставрация қилинган.

Уларнинг нархлари ишлаб чиқарувчиларнинг нархлари дан 4-5 баравар камдир.

Атиги 60.000 АҚШ долларига СИЗ энг чидамли VOLVO автомобилининг эгаси бўлишингиз мумкин.

Барча транспорт воситалари учун "ҚАЛҚОН-АЗ" фирмаси исталган бутловчи ва эҳтиет қисмларни етказиб беради.

Мурожаат қилмоқ: Тел.(7-3712)54-55-61 факс:(7-3712)54-96-12 Тошкент шаҳар,700015,Ойбек кўч.,47

МУНАЖЖИМ ТАЪБИРИ: САЛОМАТИНГИЗНИ АСРАНГ!

(28 май — 4 июнь кунлари)

28 майдан 4 июнгача бўлган кунларда буйрак, ошқозон ости бези, буйрак усти безлари бир оз заифлашган бўлади. Аммо сурункали буйрак ҳасталиклари бўлган кишилар 7-10 кунлар мобайнида деярли безовталанмайдилар. Аммо мазкур кунларда (28-29 май)да буйракда жарроҳлик аралашуви билан кечадиган муолажаларни иложи борича тўхтатиб турган маъқул. Турли гиёҳлардан - қайин барги, календула гуллари, смородина меваси ва баргларидан тайёрланган дамламаларни ичишни тавсия этамиз.

30 майдан 1 июнгача бўлган кунларда тўғри ичак ва жинсий органлар заифлашган бўлади. 30 май куни эса ҳиссий жараёнлар замирида асаб бузилиши, стрессларга олиб келувчи ҳолатларга мойилликлар кучайиши мумкин. Табиатан тез узгарувчанликка, депрессияга берилувчан кишилар ҳолатининг ҳам бироз ёмонлашуви кутилади. Шу боис бундай кайфиятдаги кишиларга жаҳолатга берилиб кетмаслигини маслаҳат берамиз. Шунингдек валериана илдизи, смородина баргларидан, кийик ўтидан тайёрланган дамламалар ичиб туришни тавсия этамиз. Тўғри ичак ва жинсий аъзоларда иложи борича жарроҳлик аралашуви билан кечадиган муолажаларни тўхтатиб турган маъқул. 31 май куни томоқ, бўйин аъзоларига эътиборда бўлишни тавсия этамиз. Чунки мазкур ҳафтада бу аъзолар фаолиятининг заифлашиши кутилади. Бир-бирингизга иложи борича ҳайрихоҳ, меҳрибон бўлишингиз асабий ҳолатларга тушмасликда фойдаси катта бўлади. Қолаверса оқшомлари исириқ тутатиб, шам ёқиб, дуолар ўқиб ўтиришнинг ҳам кайфиятга нафи катта бўлади.

2-3 июнь кунлари қон ва жигар касалликларини иложи борича даволамай турган маъқул. Чунки мазкур кунда жигар фаолияти заифлашган бўлади. Қолаверса, жигарларда, ўт қопида жарроҳлик муолажаларини тўхтатиб туриш ҳам фойдадан ҳоли эмас. Юрак фаолияти ва кўриш заифлашади, сезиш аъзоларида руҳий мувозанатнинг бузилиши кутилади. Шу боис эрк ва ҳиссиёт, онг ва сезгининг тўқнашувлари, фикрнинг тарқоқлиги пайдо бўлиши мумкин. Шу сабабли қийин кечадиган вазиятларда узингизни қўлга олиб, руҳий мувозанатни сақлаган маъқул.

4 июнь куни ўт қопи, тери, суяклар фаолияти заифлашган бўлади. Шу боис умуртқа ва тиш билан боғлиқ тиг аралашувлари ёрдамида утказиладиган муолажаларни тўхтатиб турган маъқул. Ошқозонни даволаш учун мазкур кунлар қулай келади, аммо ҳиссий туйғулар фаоллашган ҳафта бўлади. Фикр тарқоқлигидан аниқ мақсад йўлида бирор-бир қарорга келиш қийин кечади. Шу боис гоҳи-гоҳида сокин куй тинглаб, турли гиёҳлардан тайёрланган дамламаларни ичиш фойдадан ҳоли эмас.

Шундай қилиб бу ҳафтада ҳиссиёт, туйғулар фаолиятининг кучайиши кутилади. Асаблар таранглашиши натижасида бошқа бировнинг кайфиятини бузиб қўймасликка интилинг.

Ўзингизни билинг

«ПЬЯНИСТА ЭМАСМИСИЗ?»

Ичкиликбозликка берилганлардан камдан-кам киши узини «пьяниста» деб тан олиши мумкин. Шундайларнинг қарийб ҳаммаси, узини ичкиликка ишқибозлиги йўқ, бир «дил кетиб ичдим-да» ёки вазият шуни тақозо этиб қолди- керак бўлса, истаган пайтда мутлақо ичмай қўйишим мумкин» деб ҳисоблайди. Ичкиликка қай даражада берилиб бораётганингизни аниқлаш учун қуйидаги синов-суровларга жавоб бериб кўринг. Айтилганларга қўшилганингизда ҳар гал 1 очкодан ёзиб боринг.

1. Дилхираликни йўқотиш ёки оғир меҳнатдан сўнг чарчоқдан қутилишнинг осон йули бир крушка пиво ёки ўткирроғидан бир қадаҳ истеъмол қилиш кифоя.

2. Ҳаётингизда кечаги зиёфатдан кейин эрталаб туриб «кеча нималар қилиб қўйган эканман-а?» — деган фикр билан ҳижолат чеккан ҳоллар бўлиб туради.

3. Муҳим бир иш ёки учрашув олдидан ҳаяжонланмаслик учун бирон нарса ичиб олган маъқул.

4. Дустларингиз Сизнинг ҳақингизда «Озгина отиб олса жуда очилиб кетади» дейишади.

5. Спиртли ичимликни истеъмол қилганингиз учун узингизни айбдор ҳис қилиш туйғуси. Сизда ҳам бўлиб турадими?

6. Спиртли ичимлик қуйилган бутилкани Сиз ҳафсала билан ҳеч ким кўрмайдиган қилиб яшириб қўясиз.

7. Сиз бир ёки бир неча крушка пиво ёки шунга ўхшаш ичкиликни ким олдин ичиб бўлишига завқ билан мусобақалашишингиз мумкин.

8. Хотирангиз панд берган пайтлар бўлган ва Сиз кечаги ичкиликдан сўнг уша утиришда қачон, нима қилганингизни эслолмайсиз.

9. Кайф билан машина рулига ўтирган пайтларингиз бўлган.

10. Қийналиб юргандан кўра - ичган яхши.

11. Ишда ҳам ҳеч бўлмаса пиво ичган кунларингиз бўлган.

12. Ичганингизда кайфиятингиз кўтарилиб, тажанглигингиз ҳам йўқолган пайтлар бўлиб туради.

13. Биринчи қадаҳни, одатда, Сиз бир ютумда ичиб юборасиз.

14. Шерик топилмаганда бир ўзингиз ичсангиз ҳам бўлаверади.

15. Ҳар эҳтимолга қарши бирон жойга яшириб қўйилган ичкилик Сизда ҳамиша топилади.

16. Алкогол - дори ва унинг зарари ҳақидаги гаплар муболағадан бошқа нарса эмас.

17. Ичкилик ичмайдиган ҳар қандай одам Сизнинг ғашингизни келтиради.

18. Сиз ўзингизга мустақил одамсиз ва неча қадаҳ ичганингизни санаб ўтирмайсиз.

19. Қўлга тушгани ва кучинг етганини ичавер, ноз қилиб, узингни ичкиликнинг қадрига етадиган одам қилиб кўрсатиб утиришнинг ҳожати йўқ.

20. Мана шу йўсиндаги аҳмоқона синов-суровларнинг бир чақалик фойдаси йўқ.

Ушбу синов-сўровлар жавоблари бўйича хулосаларни келгуси сешанба куни «Ўзингизни билинг» рукнида ўқийсиз.

«Кимсиз?» синов-сўровлар жавоблари бўйича хулосалар:

7 очкодан кўп бўлганда: Сиз фақат «осмонда парвоз қилибгина қолмай», анча-мунча енгилтак ҳамсиз. Хаёлпарастликдан бир оз ерга тушсангиз, ҳаётингиз ҳам анча ўнгайланади.

4-7 очко оралиги: Баъзан чиндан ҳам миянгизда «шамол ғужгон уйнайди». Бироқ керак бўлиб қолганида узингизга «тўхта» дейишга қодирсиз.

4 очкодан кам бўлганда: Сиз ҳамиша ҳушёрсиз. Пуч хомхаёллардан кўра олдингиздаги мавжуд нарсалар қимматлироқ эканини биласиз.

ИШОНЧ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Саидакром САИДВАЛИЕВ

Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89
Масъул котиб — 56-52-78

БЎЛИМЛАР

Касаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79. Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар —56-87-78, 56-87-63. Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10. Бухорода — 3-50-10. Гулистонда — 2-24-98. Жиззахда —3-82-18. Навоийда —3-41-99. Наманганда — 6-22-10. Нукусда — 2-44-46. Самарқандда — 35-64-24. Термиздa — 2-70-07. Тошкентда — 56-82-79. Фарғонада — 24-58-43. Урганчда — 6-03-40. Қаршида — 5-33-71.

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр- мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

- Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
- Сешанба ва жума кунлари чоп этилади.
- Сотувда эркин нархда.

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди Офсет усулида босилди. Формати А-2, ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Нусхаси — 27.999. Буюртма Г- 0268. Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди 21.00. Масъул навбатчи: Нодир АЛИМОВ

123456